

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ –

ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

(Олий ўқув юртлараро илмий – назарий анжуман
материаллари)

ГОСУДАРСТВЕННОСТЬ УЗБЕКИСТАНА –

ВЕХИ РАЗВИТИЯ

(Материалы межвузовской научно-теоретической
конференции)

ТОШКЕНТ 2003

34 (с 52)

Таҳририят:

т.ф.д., проф. В.А. Гентшке (масъул муҳаррир);
т.ф.д., акад. Ю.Ф. Буряков; т.ф.н., доц. З.Р. Ишонхўжаева;
т.ф.н., доц. М.М. Саидова; т.ф.н., и.о. доц. Т.В. Котюкова;
к.ўқ. А.М. Хидиров.


Тақризчилар: т.ф.д., проф. А.А. Голованов,
т.ф.н. доц. О. Бўриев.

Маъруза материаллари муаллифлар нуқтаи назарини ифода этиб, муҳаррирлар қарашлари билан мос келмаслиги мумкин.

Материалы докладов отражают точку зрения авторов и могут не совпадать с позицией редколлегии.

№ 29233
2

Анжуман материаллари Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ тарих факультети Илмий Кенгашининг 2003 йил 16 апрелдаги (баённома №8) мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.



*ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ –
ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ*

*ГОСУДАРСТВЕННОСТЬ УЗБЕКИСТАНА –
ВЕХИ РАЗВИТИЯ*

К И Р И Ш

Ўзбекистон замини қадимдан цивилизация бешиги бўлиб келган. Бу ердаги давлатчилик анъаналари ҳам узоқ минг йилликларга бориб тақалади.

Ушбу тўпلامдан Ўзбекистондаги давлатчилик, унинг тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритувчи мақолалар жой олган.

Президентимиз И.А. Каримов ҳақли таъкидлаганларидек, ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси, «давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир»¹.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳамкорликда «Ўзбекистонда давлатчилик – тараққиёт босқичлари» мавзудаги илмий – назарий анжуманни илк мартаба ўтказмоқда. Дарҳақиқат, давлатчилик тарихи муаммоларини тадқиқ этиш тарихчидан катта маъсулият ҳиссини талаб этади.

Қуйида тарихчи олимлар давлатчилик тарихи муаммосининг турли қирраларини таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар. Баъзи тадқиқотчиларнинг мақолаларидаги тарихий фактлар илк бора илмий муомаллага киритилмоқда. Айни пайтда тадқиқотлар миллий истиқлол руҳида баён қилинган.

Таҳририят

¹ И.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Т., «Шарқ», 1998, 12 бет

ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МАНБАЛАР ХУСУСИДА (ҚАДИМГИ ДАВР ВА ЎРТА АСРЛАР)

Мустақиллик шарофати билан ўзбек давлатчилигининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини тадқиқ этиш учун катта имкониятлар яратилди. Бу борада И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» ва бошқа асарлари жиддий туртки бўлди. Кейинги пайтларда давлатчилигимизга бағишланган арзигulik асарлар чоп этилмоқда.

Қуйида сиёсий арбоблар яратган ҳидоя, қонун — қоидаларнинг давлатчилигимиз шаклланишидаги ўрни, аҳамияти ҳақида қисқача тўхтамоқчиман.

Ижтимоий ҳаётда тартиб бўлмоғи учун бир мунча барқарор, умумий ҳусусиятга эга бўлган қонунлар зарур экан. Ана шундай ҳидоя ва қоида куртаклари узоқ асрлар давомида шаклланиш ва такомилланган. Улар Низом, тузук, тўра, панднома, қонун, қомус, конституция ва бошқа ном ва иборалар билан аталиб келинган. Бу қонун — қоидалар турли замонларда салоҳиятли шахслар тажрибасида пешланган, ҳаёт синовларидан ўтган. Бундай тартиб — қоидалар тарихий тараққиётнинг ҳосиласидир. Бу ёрқин ва теган тартиботлар кўпинча уларнинг ижодкори бўлмиш давлат арбоблари номи билан аталган. Масалан, Хаммурапи қонунлари, Солон демократияси, Амир Темур тузуклари ва ҳоказо.

Бу арбоблар, шунингдек бошқа донишмандлар жамият барқарорлиги ҳусусида фикр қилар эканлар, шаклланаётган халқ удумлари, анъаналари, эътиқодларини инобатга оладилар, динга таянадилар. Машхур «Авесто»нинг давлатчилигимиз тарихидаги ўрнини яхши биламиз. Кейин пайдо бўлган динлар, хусусан ислом фалсафасининг жамиятдаги аҳамиятидан ҳам хабардормиз.

Ўрта асрларда яратилган Низом — ул — мулкнинг «Сиёсатнома», Чингизхоннинг «Ясо», Соҳибқирон бобомиз тузуклари, Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», донғи кетган «Бобурнома» каби асарларни давлатчилигимиз тарихини ўрганишда асосли равишда муҳим манба сифатида фойдаланамиз. Кези келганда таъкидлаш жоизки, фақат кейинги бир йилда чоп этилган Сайфиддин Жалиловнинг «Бобур ва Юлий Цезар», Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» китобларида мавзуйимизга оид кўп «теша тегмаган» мулоҳазалар мавжуд.

Шу билан бирга ўзга минтақаларда яратилган қоидалар, идора қилиш усуллари ҳам ўша замон давлатчилигини чуқурроқ англашда, қиёслашда катта аҳамият касб этади. Хусусан, м. ав. X асрда яҳудийлар юртининг раҳнамоси Сулаймон подшоҳ ислоҳотлари,

идора қилишдаги доно йўсинлари (мурося — мадора, холислик, одиллик, консенсус). ёки машҳур Рим ҳуқуқи, айниқса ундаги бурч, мажбурият тушунчаларининг талқини, Хитой мутафаккири Конфуцийнинг «Суҳбат ва мулоҳазалар» тўплами, ўрта асрларда Россияда Ярослав Мудрий ташаббуси билан битилган «Рус ҳақиқати», Англияда 1215 йилда тасдиқланган «Эркинликнинг буюк хартияси», ёхуд кардинал А. Ришельенинг «Сиёсий васиятномаси» каби ҳужжатлар турли минтақалардаги давлатчиликка тегишли қимматли мулоҳазаларни ўз ичига олади. Франциялик олим Ш. Монтескьенинг «Қонулар руҳи тўғрисида» асаридagi доно таклифлар бугун ҳам кўп юрталарда давлатчилик самарасини оширишга хизмат қилмоқда.

Зикр этилган манбалардан маълумки турли қитъа ва мамлакат донишмандлари, зийрак ҳукмдорлари давлатчиликнинг шакллантириш, такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилганлар ва бу жаҳада кўпинча ижобий натижаларга эришганлар.

Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганар эканмиз бошқа юрталар давлатчилигидан ҳам боғабар бўлишимиз лозим, деб ўйлайман. Ўзбекистон ўтмиши жаҳон тарихининг таркибий қисми, унинг бир бўлаги эканлигини доимо ёдда тутиш зарур. Тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол амалга ошириш асосий вазифамиз эканлигини биламиз.

Табийки, турли даврларда жамиятда ўрнатилган тартиб, ижтимоий ҳаёт жараёни кўп жиҳатдан раҳнамо фаолияти, унинг ақлу — заковати, виждони, масъулиятни сезабиллиши, елкасидаги юкнинг, таъбир жоиз бўлса, «Мономах қалъоғи»нинг оғирлигини англашига боғлиқдир.

Бевосита юртимиз ўтмишига назар ташлар эканмиз, аён бўладики, узоқни кўра билган кўп давлат арбоблари, хусусан Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Алишер Навоий каби зотлар юрт тинчлиги, барқарорлиги ва давлат устуворлигини ўйлаб, мамлакатни идора қилиш соҳасида анчайин эътиборли фикр — мулоҳаза билдирганлар, кўпинча бу борадаги ўз амалиётларини ёзиб қолдирганлар. Бу пандномалар шубҳасиз жиҳатдан кейинги авлодлар учун дастурул амал бўлган. Бой тажриба асосидаги қимматли фикр ва истаклар кейинги авлод раҳбарлари учун мамлакатни бошқаришда, уни боши берк кўчага кириб қолмаслигида, турли фалокатлардан асраб қолишда жиддий кўмак бўлган ва шундай бўлиб келмоқда.

Албатта, ўтмишдаги сиёсий шахслар, арбоблар ўз даврининг фарзандлари, уларнинг ҳам ўз ҳис — туйғулари, кечинмалари бўлган. Шу боис улар тутган сиёсат, олдинга сурган гоғалар бугунги кун

андозасига тулалигича мос келмаслиги мумкин. Яна шуни инобатга олмак даркорки, бу тузук ва қонуни-қоидаларда, аиниқса ёзма ҳожираларда маълум даражада субъективлик асоратлари ҳам мавжуд. Лекин бу иродали сиймоларнинг олиб борган моҳир сифати, ёзиб қолдирган тажрибаси ўша давр давлатчилигини тўлароқ, апрофлича аниқлашда ва ҳозирги сиёсий вазиятни зийраклик билан таҳлил қила олишда муҳим манбадир.

Б.Ж. Эшов – т.ф.н. доц., ЎзМУ

ЎРТА ОСИЁ УРБАНИЗАЦИЯСИ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

Ўрта Шарқда ХХ асрнинг 20–йилларидан бошланиб ҳозирга қадар давом этаётган археологик тадқиқотлар ўзида илк шаҳарлар белгиларини ақс эттирувчи кўплаб йирик ўтроқ деҳқончилик марказларини очиш ва ўрганиш имконини берди. Ушбу тадқиқотлар маълумотлари асосида Ўрта Осие урбанистик жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалаларига кўпгина аниқликлар киритилди. Ҳозирги кунда Ўрта Шарқдаги мил. авв. III–II минг йилликларга оид илк шаҳар цивилизациялари куйидагилардир: Элам, Ҳинд, Турон, Қандаҳор, Сейистон, Эрон–Балужистон, Кветт–Маргар, Бақтрия–Марғиёна, Урмий (Массон В.М. 1989; Ионесов В.И. 1992).

Уларнинг барчаси етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган бўлсада, кўпчилик тадқиқотчилар улар ўртасида кенг миқосда ўзаро маданий–тарихий таъсир борлигини эътироф этадилар. (В.Массон, 1964; Ламберг–Карловский, 1990).

Ибтидоий турмушдан нисбатан ривожланган жамиятга ўтишнинг умумий манзарасини тадқиқ этиш ҳозирги кунда методологик ёндашувни янада чуқурлаштириш ҳамда ушбу тадқиқотларда аниқ йўналиш ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам шаҳарларни урбанизация жараёнининг асоси сифатида талқин этиш масаласи ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Ундан ташқари, шаҳарлар илк давлатчиликнинг ҳам асоси ҳисобланади. Методологик томондан шаҳарни янги шаклдаги жамият ривожланиш жараёнидаги ҳодиса эмас балки, муҳим омил деб ҳисоблаш ҳам муҳимдир. Бу жиҳатдан шаҳарларнинг пайдо бўлишини тузумдаги янги ижтимоий белгиларнинг юзага келиши ва шаклланаётган тузум алоқалари ҳамда муносабатлари билан емирилаётган ибтидоий жамият ўртасидаги қарама–қаршилиқни бартараф этувчи жараён сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Шаҳарларнинг шаклланиши урбанизация жараёнининг янада жадаллик билан тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади. Айнан

шунинг учун ҳам шаҳарлар ривожланиш жараёнига фаоллик билан таъсир этувчи омил ва цивилизация билан боғлиқ бўлган янги тарихий ижтимоий муносабатларнинг асосий ифодаловчисидир. Ушбу янги тарихий муносабатлар пайдо бўлиши ўзининг умумий аҳамиятига кўра жамиятдаги мавжуд илк деҳқончилик маданиятининг самарасидир.

Ўрта Осиё ҳудудларидаги янги тарихий анъаналарнинг шаклланиши бошлаши мил.авв. III минг йилликнинг ўрталари – II минг йилликка бориб тақалади. Ушбу жараёнда маданий ва иқтисодий алоқалар натижасидаги ўзаро таъсир айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўрта Шарқ тарихий цивилизацияси ривожланишига аздадан шумер – элам анъаналари асос бўлган. Уларнинг таъсир даражаси манзилгоҳларнинг меъморчилик – режавий тузилишида, айрим ҳунармандчилик маҳсулотларида ва диний – ибодат маросимларида кўзга ташланади. Шунингдек, Ҳинд маданияти ҳам Ўрта Шарқ цивилизациясига кучли таъсир ўтказган (Олчин Б., Олчин Р., 1982).

Кейинги маданий экспанция давомида урбанистик ривожланиш доираси шимолий ва шимолий – шарқий йўналишда жануби – ғарбий Тожикистон ҳудудларигача ёйилиб дашт чорвадорлари маданияти билан тўқнашади. Шу вақтдан бошлаб дашт ва ўтроқ жамоалар чегара ҳудудларидаги ўзаро маданий таъсир туфайли минтақадаги тарихий – маданий асосда этник – сиёсий жараёнлар янада мураккаблашади. Шунингдек, бу даврдаги деҳқончилик маданияти билан чорвачиликнинг бирилиги хўжалик юритишнинг нисбатан самарали кўриниши ҳисобланган. Айниқса, металчилик, металлни қайта ишлаш ва кулолчилик ишлаб чиқаришида катта ютуқлар қўлга киритилди. Бронза даври ҳунармандларининг бу соҳалардаги фаолиятларида сифатий технологик ўзгаришлар бўлиб ўтадики, бу ўзгаришлар ички муносабатлар билан бир қаторда ташқи алоқалар билан ҳам чамбарчас боғлиқ эди.

Олиб борилган ўзаро алоқалар таъсири натижасида ички тарихий – маданий жараёнлар кучайиб, мил.авв. II минг йилликнинг ўрталари фақат Ўрта Осиёнинг жанубидаги ўтроқ деҳқончилик (Сополитепа, Жарқўтон, Дашли, Муллали, Бўстон, Тандирйўл, Норақ) маданияти; аралани кўринишдаги чорвачилик (илк Тулхор, Аруқтов, Вахш, Маконимор, Ойкўл, Жаркўл) маданияти; Андроново кўринишидаги деҳқончилик – чорвадор (Тезгузак, Кангуртут, Қушсой) маданиятлари ривожланади.

Жанубдаги деҳқонлар ва шимолдаги чорвадорлар ўртасидаги тобора ўсиб бораётган ўзаро муносабатлар (дастлаб алоқалар орқали, кейин эса тўғридан тўғри босқинчилик ёки кўчиб бориш орқали) мил.авв. II минг йилликда Ўрта Осиёдаги тарихий – маданий

жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатди ва бу ҳудудларда яшовчи жамоалар тарихий тақдирини белгилашда муҳим аҳамиятта эга бўлди. Бу муносабатларнинг кучлилиги ва қарама – қаршилиги маданий ҳаётнинг янги ҳалқасида иккита этник – маданий тизимнинг бир хил даражада бўлмаган ижтимоий – иқтисодий ривожланиши туфани янада мураккаблашади.

Ушбу икки этно – маданий тизимда геополитик алоқалар маданий – ижтимоий муносабатларга кундаланг туради. Натижада Ўрта Осиёнинг бу даврдаги тарихий майдонида айримлари инкирозга учраган, баъзилари шакллана бошлаган, баъзилари қўшилиб кетган ижтимоий қуриламаларнинг қайта гуруҳлашув жараёни фаоллашади. Археологик тадқиқотлар натижасида ушбу мураккаб маданий – тарихий жараёнлар даставвал, Намозғоҳ, Олтинтепа, Сополлитепа, Жарқўтон, Гонур, Мергар, Шаҳри Сохта каби илк урбанистик марказларнинг ривожланиши давомида бўлиб ўтганлиги аниқланган.

Маданий экспансия кўп ҳолларда кучли этно – сиёсий тўқнашувлар билан бирга бўлиб ўтади ҳамда бу жараён ижтимоий вазият ва урбанистик тараққиёт хусусиятлари билан бевосита боғлиқ ҳолда кечади (Яковеч Ю. 1997).

Тадқиқотлар натижаларини қиёсий – тарихий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёдаги илк шаҳар цивилизацияси пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнидаги ижтимоий – маданий можаролар аввало, бўлиниб кетиш ва алоҳида бирлашиш йўллари орқали ҳал этилган. Ўз хусусиятига кўра, умумижтимоий бўлган бу кўрилишлар маданий мослашув ва ижтимоий – иқтисодий ривожланиш йўлидаги цивилизациянинг тарихий – ҳаракати асосини ташкил этади. Улар Ўрта Осиёдаги кўп қиррали урбанистик тараққиётда ўз аксини топиб, бу ҳудудлардаги энеолитдан илк темир давригача бўлган археологик маълумотлар орқали тарихий – маданий юксалинг сифатида ўз исботини топади.

Сўнги бронза ва илк темир асрига келиб Ўрта Осиё жамиятидаги ижтимоий – иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлган шаҳарлар пайдо бўла бошлайди. Кўпчилик тадқиқотчилар дастлабки цивилизациялар, шаҳарсозлик маданияти, мулкий тенгсизлик ва илк давлатлар пайдо бўлиши жараёнлари ўртасида диалектик боғлиқлик бор деб ҳисоблайдилар (В.Массон, 1989; Гуляев В.И. 1991 ва бошқ.).

Ўрта Осиё ҳудудларида маданий алоқалар ва урбанизация жараёнларининг бошланиши узоқ йиллар давомида антик давр деб ҳисобланиб келинди. Сўнги бронза ва илк темир даврига оид ўзида шаҳарсозлик белгиларини акс эттирган Елкендепа II (Шимолий Парфия), Мадов, Иззатқули (Дохистон), Ёздепа I (Маргиёна),

Қизилтепа (Шимолий Бақтрия), Ерқўрғон, Узунқир, Афросиоб, Кўктепа (Сўғдиёна), Далварзин (Фарғона) каби йирик марказлар эътибордан четда қолди. Аммо, сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижасида аниқланишича, бу марказларда дастлабки шаҳарлар белгилари бўлган катта ҳудуд, юксак ривожланган истеҳкомлар, маҳобатли меъморилик, қалъалар мавжуд бўлиб улар ҳақиқатан ҳам Ўрта Осиёнинг дастлабки шаҳарлари эди.

Ш.Э. Эрназаров — к.ўқ., ЎзМУ

ДАВЛАТЧИЛИК ВА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Миллий ғоянинг тарихий илдизлари жамият тарихининг узоқ даврлари билан боғлиқ бўлиб, иқтисодий ва сиёсий омилларни уйғунлаштирган ҳолда шаклланиш жараёнларини босиб ўтди. Ғоя — жамият ҳаётининг маълум босқичларида тараққиёт учун асос бўлди. Жамият тараққиётининг энг катта ютуғи давлатчилик бўлиб, илк давлатларнинг вужудга келишида қандай ғоя ва омиллар муҳим аҳамият касб этди? Шунингдек, миллий ғоя нима ва унинг тарихий илдизлари қайси давр билан чегараланади ҳамда илк давлатлар шаклланиши жараёнида миллий ғоянинг хусусиятлари қандай намён бўлган? Аввало, миллий ғояда миллатнинг этник хусусиятлари — тили, урф — одати, табиати, руҳияти, мақсадлари — мафкураси акс этиб, бу белгилар узоқ тарихий жараёнда шаклланади ва маълум бир даврга келиб миллий давлатчиликда етакчи ўрин эгаллайди.

Миллий ғоя ва миллий давлатчилик тушунчалари бир — бирини тақазо қилиб, айрим ҳолларда бири иккинчисини шакллантириши ҳам мумкин. Умуман, миллий ғоя миллатнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, бу жараён маълум бир тарихий даврда юзага келади. Шунинг ҳам айтиш керакки, айрим кишилар миллий ғояни фақат босқинчиларга қарши озодлик курашидаги бир восита ёки миллий давлатчиликнинг бир белгиси сифатида тулғунадилар. Умуман, миллий ғоя ушбу хусусиятларга эга бўлган ҳолда тарихда (ибтидоий жамиятда) бир ҳудудда жойлашган жамоанинг ўзига хос иқтисодий ишлаб чиқариш воситаси, янаш учун кураш усуллари ва жамоанинг таркиб топган удумларида (маиший, диний) шаклланиш жараёнини босиб ўтди. Яъни, бир ҳудудда таркиб топган жамоанинг янаш тарзи бошқа ҳудуддаги жамоанинг турмуш тарзидан фарқ қилган. Бу эса ўз навбатида ғоявий фарқларни (ирқий, диний, миллий, тапқилий) вужудга келтирган.

Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги 2 — минг йиллик ўрталарида қадимги зироатчиликнинг ривожланиши билан илк давлатчилик бирламчаларига ўтиш жараёни бошланди. Демак, бронза даврида унчалик катта бўлмаган деҳқончилик воҳалари асосида илк давлат уюшмаларининг шаклланиш жараёни жамиятнинг ижтимоий табақаланишини акс эттирувчи қишлоқ хужалик жамоаларининг ҳудудий бўлиниши, турли хил манзилгоҳларга бўлинган суғорилган деҳқончиликнинг жамоа ташкилоти, тоғ — қоп хом ашёси ва ихтисослашган ҳунармандчиликка асосланган мол айирбошлаш ва савдо — сотиқ билан изоҳланади.

Бронза асрдан темир асрга ўтиш даврида (милоддан аввалги X — VIII асрлар) этник — маданий ва ғоявий вазиятларнинг ўзгариши шароитида «Авесто»даги Арёнайена тўридаги вақтинчалик ҳарбий — сиёсий уюшмалар, баъзи вилоятларда бўлиб ўтган кўчиш жараёнлари вақтидаги ўтроқ манзилгоҳлар сонининг қисқариши ва илгари одамлар яшамаган жонларда янги аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши, ҳарбийлар ва ҳарбий бошлиқларнинг ижтимоий қатламларга бўлиниши жараёни содир бўлди. Бундай уюшмаларнинг асосини майда давлатлар мисолида (Марғиёна) кўришимиз мумкин. Бу уюшмалар ўз эски жойларини ҳимоя қилувчи ёки янги воҳаларни эгалловчи чорвадорлар ва деҳқонлар ҳаракати бир — бирига мос тушган пайтда доимий ҳарбий иттифоқлар тавсифига эга эди.

Бу даврда темирдан ясалган меҳнат қуролларининг кенг тарқалиши меҳнат унумдорлигини оширди ва ишлаб чиқаришнинг янада илғор усулларига ўтиш учун шароит яратди. Уруғ жамоаси ҳудудий қўшни жамоасига айлана борди. Ер ва сув учун қабилалар ўртасида низолар келиб чиққан. Қабила чегараларини қўриқлаш, янги ерларни ўзлаштириш ва бошқа қабилалар устига юриш қилиш мақсадида қабилавий ҳарбий иттифоқлар ташкил топа бошлаган. Бундай иттифоқларни обрўли уруғ ва қабила бошлиқлари бошқарган.

Милоддан аввалги I — мингйиллик бошларида аҳоли зодагонлар, ҳарбийлар, зироатчилар ва ҳунармандлар гуруҳига бўлинган. Уруғ — қабила бошлиқларининг обрўи ўсган. Айниқса, ҲАРБИЙ йўлбошчиларнинг мавқеи ошган. Ишлаб чиқарувчи хўжалик ва мол айирбошлашнинг ривожланиши табақаланишни кучайтирган. Ҳарбий тўқнашувлар шароити қабила бошлиқлари таъсирини оширган. Жамият ҳарбий демократия қонунларига асосланиб яшай бошлаган. «Авесто»да таъкидланишича жамиятда оқсоқоллар кенгаши — халқ йиғини — туман ва вилоят ҳукмдорлари тарзида бошқарув тизими бўлган. Ташкил топётган илк давлатчилик тузилишига аҳолининг уруғ — қабилавий эмас, ҳудудий белгилар бўйича бўлиниши асос бўлган.

Милоддан аввалги IX – VIII асрларда Ўзбекистонда деҳқончилик, хонаки чорвачилик, ҳунармандчилик, қурилиш ва сугориш билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчилар ҳамда оқсоқоллар ва ҳарбий йулбошчилар ажралиб чиқади. Бу илк давлат бирлашмаларининг бошланиш даври эди. Бу жараён ҳудудни душмандан химоя қилиш, жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий ривожлантириш ва назорат қилиш заруратидан келиб чиқди. Яъни, ватанпарварлик(ҳудуд) ғояси (тунгуси) бунда етакчи омиллардан бўлди.

Бундай туйғу илк темир даврида (милоддан аввалги VI – VI асрлар) Қадимги Хоразм ва Қадимги Бақтрия (Сўғдиёна ва Марғиёна) каби энг қадимги давлат бирлашмаларининг ташкил топиши жараёнида ҳам асосий омил бўлганини кузатишимиз мумкин. Масалан, Қадимги Бақтрия каби йирик давлат уюшмалари пайдо бўлишининг тезлашувига ички ижтимоий – иқтисодий сабаблардан ташқари кўчманчилар томонидан ҳарбий ҳужумлар ва бошқа давлатларнинг ҳарбий сиёсати сабаб бўлди.

Дастлабки давлат бирлашмалари – Қадимги Хоразм ва Қадимги Бақтрия (Сўғдиёна, Марғиёна) давлатлари деҳқончилик билан шуғулланган маҳаллий аҳолининг маданияти ривожига асосида пайдо бўлди. Умуман, иқтисодий – сиёсий омиллар (деҳқончилик ва ташқи душманга қарши кураш) ва ғоявий – мафкуравий жараёнлар («Авесто» ва бошқа) илк давлатлар шаклланишидаги миллий ғоянинг тарихий илдиэларини белгилайди.

Г.В. Юсупова – к. ўқ. ТАТУ

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАВЛАТЧИЛИК ТЎҒРИСИДА.

Ўзбек халқининг шаклланиши ва давлатчилик жараёнини ўрганиш тарих фанининг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири ҳамдир. Халқ мустақилликка эришгач ўзининг давлатчилиги, ўз илдиэлари ва этник аجدодларини билишга интилиши табиийдир.

Давлатни халқ ташкил этади, ўз навбатида давлат халқни бошқаради. Шу боис давлатнинг ташкил топишида халқнинг келиб чиқиш тарихи ва шаклланиш жараёнини чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён ижтимоий фанда «этнос» «этник бирлик» каби ибораларда ифодаланади. Этнос атамаси жуда кенг ва тор маънода ишлатилади; масалан дунё халқи, Америка, Россия

халқи. Ўзбекистон халқи вилоят халқи ва бошқа кичик бир гуруҳ кишиларига нисбатан ҳам «халқ» ибораси қўлланилади. Шунини учун ҳам маълум бир ижтимоий тузумда вужудга келган этник уюлмага «Этник бирлик» иборасининг ишлатилишини биламиз. Этник бирлик аниқ шароитда, яъни — тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган ижтимоий уюшмадир. Фанда этник бирлик босқичининг уч тури мавжуд: қабила, элат ва миллат. Бу атамалар турли даврларда вужудга келган ва улар ўзига хос хусусиятлари билан бир — бирларидан фарқ қиладилар.

Этник тарих — маълум бир ҳудудда яшовчи у ёки бу халқнинг илк аждодларидан бошланиб, элат шаклланишини, унинг тараққий этиш босқичларини ва элатнинг емирилиш ёки ривожланиб, миллат даражасига етишини даврини ўз ичига олади. Шаклланаётган янги этноста маълум ҳудудда яшаган туб халқлар ёки этник гуруҳлардан ташқари, бошқа ҳудудлардан келган этник, антропологик ва маданий жиҳатдан бир хилда бўлмаган этносларнинг ёки этник гуруҳларнинг аралашиб, қоришиб кетишидан ҳам элат вужудга келиши мумкин. Дунёда мавжуд халқларнинг барчаси турли этник гуруҳларнинг қўшилишидан вужудга келган. Шунга асосланиб, биз ўзбек халқини элат бўлиб, маълум тарихий даврда, маълум ҳудудда, маҳаллий, туб этнослар асосида, турли даврларда келиб қўшилган этник компонентларнинг аралашиб бориши натижасида шаклланган, деб ҳисоблаймиз. Бунда давлатнинг олиб борган сиёсати ва тутган ўрни ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзбек халқи аждодлари икки дарё оралиғида ва унга гўташ вилоятларда жуда қадим даврдан буён яшаб келганлар. Булар антик даврларда деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган бактрияликлар, хоразмликлар, сўғдийлар, фарғоналиклар, шонликлар ва чўл ҳудудларида чорвачилик билан шуғулланган саклар, массагетлар ва бошқа кўчманчи қабилалардир. Улар ўзбек элатининг асосини, рамзий маънода, ўқ илдизини ташкил қилган. Ён илдиzlари ўқ илдизига бирикиб бориши жараёнида ўзбек элати вужудга келган. Мазкур элат маҳаллий аҳоли аждодлари қолдирган бой тарихий меросни авайлаб сақлайдилар, уни тўлдирадилар ва барча анъаналари билан бирга кейинги авлодга мерос қолдирадилар.

Милоддан олдинги III асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимларида Қанғ давлати ташкил топади. Натижада эрон тилли халқлар: сўғдийлар, асманлар, ослар ва бошқалар билан Сирдарё соҳилларига ва Мовароуннаҳр мингақаларига, Хоразм ўлкасига келиб ўрнашган туркий этносларнинг қўшилиб, қоришиб кетишлари натижасида қанғар элати шаклланди. Бу элат илк маҳаллий туркийзабон этник қатламни ташкил қилган. Улар қадимги даврларда яшаган халқлар яратган моддий ва маънавий маданиятнинг ворислари бўлганлар.

VI аср ўрталарида Олтойда, Жанубий Сибирда, Еттисувда, Шарқий Туркистонда жойлашган қабилалар бирлашиб, Турк хоқонлигини ташкил этади. Қисқа вақт ичида турк хоқонлиги Мовароуннаҳрни ҳам эгаллайди. VI—XIII асрларда Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Фарғона водийси ва Хоразм заминига туркий қабилаларнинг кўплаб келиши ва шу ҳудудларда ўтроқлашини жараёни кучаяди. Бу даврларда Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг этник таркибини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: а) қадимдан деҳқончилик, хунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келаётган форс—эрон тилида сўзловчи сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқалар; б) ўтроқ кун кечириб келаётган туркийзабон аҳоли (қанғарлар, хионийлар, эфталийлар ва турк хоқонликлари даврига келиб турғунлашиб қолган бошқа қабилалар); в) ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи бўлиб яшаётган туркий ва форс—эрон тилларида сўзловчи этник гуруҳлар. г) кўчманчи, туркийзабон қабилалар. Маълумки, бу ҳудудларда қадимдан икки тил туркумидаги туркий ва форс—эрон халқлар ёнма—ён ва аралаш яшаб келганлар.

IX—X асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда яшовчи халқлар бир—бирлари билан яқинлашиб қоришиб бордилар, уларда иқтисодий ва маданий умумийлик ҳосил бўлди. Энг асосийси—уларнинг онгида ўзлигини англаш ҳиссиёти кучаяди. Ўзбек аждодлари XI—XII асрларга келиб алоҳида этник бирлик бўлиб шаклландилар. Шу асрлар давомида минтиқада барча этник кўрсаткичлар мужассамлашади ва ўзбек аждодлари алоҳида элат бўлиб шаклланади. Ўзбек элатининг тараққиёт жараёни кейинги асрларда давом этади.

Шаклланган ҳар бир элатнинг ўз номи (этноними) бўлади, албатта. Туркий элатларнинг кўпчилиги қадимдан мавжуд бўлиб келган қабила ёки қабила иттифоқининг номи билан аталган. Масалан: туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур ва бошқалар. Бу халқларнинг номаври кейинчалик миллат номи ҳам бўлиб қолган. Ўзбек аждодлари элат бўлиб шаклланган вақтда ва ундан кейин ҳам умумий этник номга эга бўлмаганлар. «Ўзбек» атамаси элатнинг умумий номи бўлиб қағыйлашгунча ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳоли сарт, турк, чигатой, баъзилари эса яшаган ҳудуд ёки вилоят номи билан: хоразмлик, тошкентлик, фарғоналик ва бошқа номлар билан аталиб келинган. Манбаларда туркий тили этносларга нисбатан «турк» ибораси қўлланилган. Аммо, бу ибора этник бирликни эмас, тил бирлигини аниқлатган.

Шайбонийлар давлати даврида ва ундан кейинги асрларда қипчоқ даштидан Мовароуннаҳр ва Хоразмга кўчиб келган кўчманчи ўзбеклар ўзбек элатининг таркибига кирган навбатдаги этник гуруҳ

бўди. Булар тубжой ўзбек халқининг турмуш тарзи, анъаналари, маданияти, хўжалик фаолиятига қўшилиб, қоришиб кетади ва маҳаллий аҳолига «ўзбек» этнонимини синдиришда муҳим аҳамият касб этди. Шу вақтдан бошлаб «ўзбек» номи Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолисининг кўпчилиги учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолди.

А.М. Хидиров – к.ўқ., ЎЗМУ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ТАРИХ КОНЦЕПЦИЯСИ

Беруний тарих концепцияси, тарихий тафаккур ва тадқиқот усулининг муҳим жиҳати шундаки, бу унинг тарихий тадқиқотларда археологик, эпиграфик, палеонтологик усуллари биринчи бўлиб қўлланганидир. Айниқса, унинг "Ал – Осор ул – боқия", "Геодезия", "Ҳиндистон", "Ал – Қонуни ал – Масъудий", «Китоб – ус – Сайдана» ва бошқа асарларида бу усулга кенг амал қилинган. Ана шу эслатилган асарларда, хусусан «Геодезия»да Беруний геология, геодезия, картография, палеонтология, зоология фанлари тарихига оид муҳим муаммоларни ўрганишда кузатиш, кўриш, тажрибалар ўтказиш жараёнларини қўлланганини тасдиқловчи ўзи, маънавий устози Абул Аббос Эроншаҳрий, Розий, Хўжандий ёки бошқа ишончга сазовор олимлар, сайёҳ, дипломатлар берган хабарлардан фойдаланиб, «Қуруқлик денгиз ўрнига ва денгиз қуруқлик ўрнига кўчганлиги»¹ ҳақида хулосалар чиқарган ва буни Арабистон қўмакчлари билан Қорақум чўли мисолида топилган чиганоқлар, балиқ суюқлари қолдиқлари, сув тўлқини излари ва бошқа палеонтологик далиллар асосида тасдиқланган. Айни пайтда Беруний маъмур археологик, палеонтологик, зоологик, географик, этнографик ва ҳоказо далилларнинг ўзи билангина чекланмай, уларни қадимги юнон, араб, форс ёки туркий ёзма манбалар, тарихий ҳодисалар билан қиёслаш асосида қатъий илмий хулосаларга келар эди. Бу ҳақда ўзбекистонлик машҳур геолог олим О.М.Акрамхўжаев ҳақли тарзда шундай ёзади: «У ер остидан чиққан қадим ҳайвонлар чиганоғи ёки қолдиқларини ҳозирги замоннинг ҳар қандай палеонтология ёхуд зоология мутахассиси ҳавас қиладиган даражада аниқ тасвирлаб беради.»²

¹ Беруни. Избранные произведения. Т.3. Тошкент, Фан, 1966, 94-б.

² Акрамхўжаев О.М. Беруний – геологик ҳодисалар, минераллар ва жавоҳирларни ўрганган дастлабки тадқиқотчи – «Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган кўплам», Т., Фан, 1973, 33 – б.

Бизнинг замонамизга хос кузатиш, тажрибалар ўтказиш, шунингдек, кўп йиллик кузатишларни, палеонтологик ва ҳоказо ашёларни умумлаштириб, хулосалар чиқариш—Беруний тадқиқот усулининг энг илғор жиҳатлари бўлиб, улар «Минерология», «Китоб ус—Сайдана», "Ал—Осор ул—боқия", "Ал—Қонуни ал—Масъудий" ва бошқа асарларида бажарилган тадқиқотлар асосини ташкил этган.

Берунийнинг ўз тарихий тадқиқотларида этнографик, эпиграфик, эпитафик, топонимик ва шу каби табиатшунослик ва аниқ фанларда кенг қўлланадиган миқдорий таҳлил, кузатиш, ўлчашлар, тажрибалар ўтказиш, усул ва воситалар Ўзбекистонлик машҳур археологлар—Я.Ғуломов,³ жуғрофия доктори, профессор Ҳамидулла Хасанов,⁴ тарих, этнография, социо—этнография мутахассиси Карим Шониёзов⁵ ҳамда Исо Жабборов томонидан батафсил тадқиқ этилганлиги учун биз бу ерда Ҳ.Ҳасановнинг топонимика бўйича Беруний илмий тадқиқот усуллариининг жуда қисқа ва лўнда таърифи, таҳлиliga тўхталиб ўтамиз.

Топонимлар трансформацияси, яъни тарихий ва жуғрофий ўзгариб бориш жараёнида Беруний қўллаган ва қайд этиб ўтган тўрт жиҳатни Ҳ.Ҳасанов алломанинг "Ҳиндистон" асари материаллари мисолида аниқлаб берган:

1. Бирон ер, жой, мамлакатни бошқа уруғ, қабила ва ёт тили халқлар эгаллаши билан жой номлари тез ўзгаради. «Айниқса, тили бошқа бўлган (халқнинг) ерли халққа ҳукронлик қила бошлаши билан номлар тезроқ ўзгаради. Кўпинча тиллари (бошқа халқ) у сўзларни келиштириб айта олмай қабул қилади, (натихада ўша) исмларнинг маънолари ўзгариб, шу куйича, юнонлар одати сингари, ўз тилларига киради. Кўрмайсанми, «тош» сўзи (асли) туркча исм бўлиб, «шош» кўринишини олган. «Тошкент»—тошли қишлоқ, демакдир. Худди шу каби (Птолемейнинг) «Жўғрофия» китобида у «Бурч ал—хижора» (Тош қалъа), деб номланган.⁶

2. «Араблар (чет тилдаги) номларни арабчалаштириб, асл талаффузни бузганларидек, бир тил (бошқа тилдаги) ҳарфлар товушини ўз талаффузини енгиллаштирадиган товушларга алмаштиради. Масалан, уларнинг китобларида «қушанг» сўзи «фусанж» ва «сакилканд» (сўзи) эса девонларида «форфаза» (кўринишида)дир.»⁷

³Ғуломов Я. Хоразмнинг сугорилаш тарихи. Т., ЎзФан нашриёти, 1959, 10—11—66.

⁴Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар.Т., Ўзбекистон, 1981, 47—101—66.

⁵КШониёзов. Ўзбеки—Карлуки(Историко—этнографияческй очерк) Т., Фан, 1964, 196—б., шу мауалиф. Қанг давлати ва қанглилар. Т: Фан, 1990, 168—66.

⁶Беруний. Танланган асарлар. 2-ж. Ҳиндистон. Т: Фан, 1965, 232 б.

⁷Беруний. Танланган асарлар. 2—ж. Ҳиндистон. Т., Фан, 1965, 232—б.

3. «Бунинг устига мана буинси (ақлдан) узоқ ва ажойиб; гоҳи маълум бир халқнинг айрим сўзлари ўз тили билан узгара борганини кўрамиз; натижада, ўша тилда фақатгина оз киши фойдалайдиган бир мунча бегона сўзлар пайдо бўлади»⁸

4. «Баъзан эса бирон бир жой у жойда нўқ нарса номи билан аталади. Ҳинд Океанида Ёқутлар ороли, деган орол бор, у ерда улар (ёқутлар)нинг ҳатто урлоғи ҳам йўқ, бироқ уларнинг бундай аталиши улардаги аёлларнинг гўзаллиги туфайлидир.»⁹

Берунийнинг "Ал—Қонун ал—Масъудий"га илова қилган жўгрофий жадвали жойлар координатлари билан бирга улар ўрнининг тавсифи, баъзи ҳолларда топонимик таҳлили, бошқача номланиши ва этимологиясига ҳам эга.

Аллома тарихий тафаккури ва тадқиқот усуларининг яна бир муҳим жиҳатини, илмий атамашуносликни ишлаб чиқиш, айниқса, астрономия, математика, минерология, ботаника, зоология, фалсафа, тарих, этнография фанлари, диний эътиқодлар билан боғлиқ арабча, форсча, юнонча, сурёнийча, санскритча ва бошқа тиллардаги атамаларни пухта, илмий асосда шакллантириш муаммоси ташкил этади. Беруний илмий тадқиқот, тушунча тизими, атамаларни энг кўпроқ «Китоб ус—сайдана», «Минерология»да ишлаб чиққан бўлса, унинг бошқа асарлари, хусусан, "Ал—Қонун ал—Масъудий", «Геодезия», «Ат—тафҳим», «Гномоника» каби китобларида ҳам бир қатор атамашуносликка оид фикр мулоҳазалар билдирилган. Энг муҳим санскрит атамаларини "Ҳиндистон" ва бошқа шу каби ҳиндшуносликка доир тадқиқотларида кўздан кечирган.

П.Г.Булгаков Берунийнинг илмий тарихий тадқиқот усуларида атамашуносликни қуйидаги йўналишларда ишлаб чиққанлигини кўрсатади:

1. Атамаларнинг этимологияси, яъни маъно ва мазмунини аниқлаб олиш;

2. Атамаларнинг сохта ёки оми халқ орасида юрадиган, амал қиладиган маъно ва талқинларини танқид қилиш;

3. Турли тилларга ва бир тилга хос атамаларни солиштириб ўрганиш ва уларнинг синоним ва омонимларини аниқлаш;


4. Атамаларнинг имлоси ва транскрипциясини белгилаб олиш.¹⁰

Илмий тадқиқот атамаларини ишлаб чиқиш ва қўллашда Беруний, энг аввало, ўзи тадқиқ этаётган муаммо, фан соҳасидаги хом—ашё, эмперик далиллар, кузатув, тажриба натижалари ҳамда ўз фикр мулоҳазаларини муайян бир тарзда ташкиллаш ва мунтазам бир тизим ҳолига келтиришга уринган.

⁸ Беруний. Ташланган асарлар. 2—ж. Ҳиндистон. Т., Фан, 1965, 232—6.

⁹ Ҳасанов Ҳ. Бируни и топонимика— «Бируни и гуманитарные науки» Т., Фан, 1972, 117—6.

¹⁰ Булгаков П.Г. Гуманитарные наследие Бируни— «Бируни и гуманитарные науки». Г., 1972, 43-6.



Ўзининг изчил, таҳлилий ақл кучи туфайли ҳамда қатъий мантиқий фикр юритиш қобилиятига мувофиқ Беруний бу муаммони ечишда геометрия, математика, астрономиядаги қатъи аксиоматик усулни қўллаб, «кейинда топиладиганда эмас, олдин келаётганга таяниш», ундан фойдаланиш, яъни маълум тушунча, атамадан ноаниқ, номаълум атама ва тушунчаларни қўллашга қараб борган. Бунинг учун Беруний тил маҳсулини аниқ ва чуқур тафаккур юритиш қуроли сифатида олиб қарарди. Бу, айниқса «Ҳиндистон» асарида, Беруний илмий тадқиқот атамаларини яратиш асносида яққол кўзга ташланган эди. Аллома бу асарида санскрит тушунча, атама ва ибораларига муносиб арабча ибора, тушунча, атамаларни қидириб топар ва қўллар экан, уларни араб тили учун ҳам ноанъанавий, янги маъноларда қўллашга уриниб, бу тилда ҳам ҳиндлар тафаккури, тушунча, ибора, атамаларига ўхшаш янги гаплар тузиш, атамаларни калька йўли билан ҳосил қилишга уринган. Бунда у араб тилининг бой ва ранг – баранг семантик, лексик ва грамматик имкониятларидан азбарои бу тилни фавқулодда яхши билганлиги учун жуда кенг фойдаланган.

Берунийнинг араб тилидаги илмий тадқиқот атамашунослигини яратиш, қўллаш, талқин этишининг асосий принципларини – унинг «Ҳиндистон» асари маълумотлари асосида А.Б.Холидов ва В.Г.Эрман томонидан батафсил ёритилган.¹¹

Берунийнинг «Китоб ас – сайдана», «Минерология» ва бошқа асарларида шакллантирган, қўлаган илмий тадқиқот атамалари, ибора ва тушунчалари тизимини академик У.И.Каримов,¹² О.Шоматов,¹³ О.Ақромхўжаев¹⁴ каби олимлар махсус таҳлил этганлар. Юқоридаги олимлар тадқиқотларининг умумлаштирувчи хулосалари шуни исботлайдики, Берунийнинг илмий, тарихий тадқиқот усулининг энг муҳим асоси, у зот яратиш ва шакллантиришга уринган илмий атамалар тизими бўлган. Академик У.Каримов, чунончи, Хоразм амирларидан бири касалини даволаш учун 500 кумуш тангага сотиб олинган гулисафсар илдизи борасида атторни койишганда, у: «Сиз жисмини эмас, фақат исмини билмагон нарсангизни сотиб олдингиз,» дебди,¹⁵ – деб иқтибос келтирганда,

¹¹ Бируни. Избранные произведения. Т.2. Т.,Фан, 1963. Предисловие. 41-44-66.

¹² Каримов У.И. Вопросы филологии «фармакогнозии» Бируни-«Бируни и гуманитарные науки» Т.,Фан, 1972, 47 – 53 – 66. Берунийнинг «Сайдана» номи асари ҳақида. «Беруний. Туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам» Т., Фан, 1973, 104 – 110 – 66.

¹³ Шоматов О. Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида ҳинд филологияси масалалари. «Беруний. Туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам» Т., Фан, 1973, 136 – 144 – 66.

¹⁴ Ақромхўжаев О. Беруний – геологик ҳодисалар, минераллар ва жавоҳирларни ўрганган дастлабки тадқиқотчи. «Беруний. Туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам» Т., Фан, 1973, 32 – 63 – 66.

¹⁵ Каримов У. Берунийнинг «Сайдана» номи асари ҳақида. «Беруний. Туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам» Т., Фан, 1973, 107 – 6.

аниан илмий атамашуносликнинг ҳал қилувчи аҳамиятига Беруний фавқулодда эътибор қаратганлигини ноталаб берган эди.

Академик У.Каримовнинг таъкидлашича, Беруний араб, форс, хоразм ва ҳинд тилларини мукаммал биллаш билан маълум даражада сурёний, иброний ва юнон тилларини ҳам билган ва шу тиллардаги илмий адабиётдан фойдалана олган. Шунинг учун у бошқа тиллардан араб тилига кирган илмий истилоҳларнинг келиб чиқишини, уларнинг туб маънолари ва имлоларига алоҳида диққат қилган. Натижада, ўрта аср Шарқда доришунослик ва табобатта оид илмий атамашуносликни умумлаштириб, маълум бир тартибга солишга уринган.¹⁶

Таниқли шарқшунос, ҳиндшунос О.Шоматов аниқлашича, Беруний фақат «Ҳиндистон» асарининг ўзидан юздан ортиқ санскрит, йиғирмадан ортиқ юнон тилларидаги манбалардан атама, ибора ва гушунчаларнинг қуйидаги таркибдан иборат атамашунослигини вужудга келтирган: 700 га яқин атоқдан от, 1000 дан ортиқ жўғрофий, астрономик, космографик, этнографик, диний – мистик номарни қўллаган.

Беруний терминлар илмий жамғармасининг халқ тилидаги захираси билан боғлиқлиги, фарқлари, айниқса палеографик ўзига хослигини теран англаб, чуқуричи, «учта янги ҳинд тили – ҳиндий, мазакий ва непалийга асос қилиб олинган маълум график намуналари – айнан, нангарий ва деваннагарий билан бир қаторда юзага келиши ҳануз аниқланмаган бир қатор хиллари»ни келтириб ўтган.¹⁷

О.Шоматовнинг аниқлашига кўра, Беруний илмий – тарихий атамалар тизимининг асосий хусусияти бу – 200 дан ортиқ асл ҳинд, юнон, сурёний, араб, форс манбаларига асосланганлиги, ҳатто мазкур тиллардаги махсус атамашуносликни қамраб олганлигидир.¹⁸

Олим шундай умумлаштирувчи ҳулосага келади: Беруний ўз илмий – тарихий тадқиқотларида шакллантиришга, яратишга уринган тушунча, ибора ва атамалар тизими «тарихий ва қиёсий – тарихий грамматика ҳамда ижтимоий тилшунослик, жумладан тилшуносликнинг топонимика, ономастика, палеогеография, этимология, терминология, мифология каби соҳалари бўйича, шунингдек, фонология, морфология ва бошқа йўналишларда

¹⁶ Каримов У. Берунийнинг «Сайдана» номли асари ҳақида. «Беруний. Туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам» Т., Фан, 1973, 108 – б.

¹⁷ Шоматов О. Берунийнинг "Ҳиндистон" асарида ҳинд филологияси масалалари. «Беруний. Туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам» Т., Фан, 1973, 136 – 144 – бб.

¹⁸ Шоматов О. Берунийнинг "Ҳиндистон" асарида ҳинд филологияси масалалари. «Беруний. Туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам» Т., Фан, 1973, 142 – 143 – бб.

келгусида ўрганилиши мумкин»¹⁹ бўлган кўпгина жиддий илмий тадқиқот жиҳатларига эга.

Берунийнинг бу тарихий тадқиқот усули, айниқса, бу усулнинг Ислом маданияти, илм – фанидаги ўрни, Қуръони Карим, Ҳадису шарифлардаги асослари, Қадимги ва Ўрта асрлардаги тарихий тадқиқот усулларидан кескин фарқ қилиши – алломанинг илмий – тарихий тадқиқот усулларидаги янгилик, тизим профессор А.З.В.Тўғоннинг «Tarihte Usul» китобида илк марта 1950 йилларда ўртага қўйилган ва тадқиқот жабҳаси бўлган эди.

«Ғарбда тарихни талқин этиш ва услубий ёритиш тарихи бўлганидек, Шарқда ҳам тарихни талқин этишнинг ўз тарихи бордир. Юнонлилардан Фукидид ва Полибий тарихда фалсафий бир йўлни асослаб беришга уринган илк олимлардир. Уларнинг йўли . . . прагматик тарих усули эди.»²⁰ – деб ёзганди А.З.В.Тўғон.

Қадимги Юнонистон, Рим ва Византиядаги тарихнинг дунёвий, илмий – фалсафий талқини, асосан, антропоцентрик ҳамда эстетик уйғунлик ғоясига бўйсундирилган, унга бадиий завқ олиш, санъат ҳодисаси сифатида қараш етакчи бўлганлиги учун тарих фалсафаси тизимини тугалланган, яқунланган тарзда баён этишга етарли аҳамият берилмаган.

Рим ва Византия ҳудудларида, яъни насроний Ўрта аср дунёсида эса, асосан Марк Аврелий, Тер – Туллианларнинг насроний – теологик тарих фалсафаси унинг мутлақ тақдир ва Худо иродасининг ер юзиде тантанани қилиши, илоҳий ҳақиқат ва адолат тантанасига эришиш ғояси, насронийликдаги пассивлик, қаршилик кўрсатмаслик ва узлатчилик хусусиятларини ўзида жо қилган эди. «Айни пайтда, – деб ёзган эди профессор А.З.В.Тўғон, – Ислом илоҳиёти, насроний теологиясидан бир оз бўлса – да, фарқланар эди. У ҳам Оллоҳ таолони бамисоли «истаганини қила олгучи» (Фаалун – ли – мо яппаа) бир подшоҳ (малик) билиб, унинг тақдирига ишонса ҳам Оллоҳ таолонинг иродаси хусусини тарихга «сабаб ва оқибат» алоқадорлиги қонуни билан боғловчи бир формула (ифода), деб топган. Чунки исломиятдаги ҳукмрон мазҳабларга (сунний мазҳаблар назарда тутилмапти – А.Х.) кўра, ҳар бир нарса Оллоҳ иродаси билан вужудга келса – да, Оллоҳ ҳар бир нарсани муайян қонуниятга кўра яратиш одатини ижод қилган. Бу унинг ўз иродаси натижаси бўлса – да, Оллоҳ бу одатни ҳуда – беҳудага тарк этмайди. Қуръони каримнинг ўзида (4823) – «Бу Оллоҳнинг йўлидир; сиздан ҳам олдин шундай бўлган ва Оллоҳ таолонинг йўли ҳеч

¹⁹ Шоматов О. Берунийнинг "Ҳиндистон" асарида ҳинд филологияси масалалари. «Беруний. Туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам» Т., Фан, 1973, 143 – 144 – 66.

²⁰ Ord Prof. Doctor A. Z. V. Togan. Tarihte Usul. Istanbul. Enderun Kitabevi, 1985, 145 s.; Ўзбекчаси учун қаранг: А.Зоҳидий ва бошқалар. А.З.В.Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари (1913 – 1914), Т., Фан, 1997, 58 – 6.

ўзгармасдир», — дейилади. Шундай оятлар тусфайли баъзи ислом мазҳаблари Оллоҳни ўзи юритадиган қонулар билан чеклаган ҳатто унга тобе, деб қаран нуктаи назаридан тасаввур этганлар. Баъзи Ислам мутаффақирлари ҳам Оллоҳни ана шундай ўз иродасини «Конституцион чекланган бир ҳукмдор» қабилида, қонуна тобелигини тасаввур этиши, идеалист олмон файласуфи Ҳотелнинг инсон жамиятининг ўз эркинлигини ҳимоя қилиб, ўз доирасини ажратиб олишни таъминлаши ҳақидаги фалсафасига ўхшаш бир шаклда изоҳлаганлар»²¹

Бу эса, айниқса, табиатшунослар ва тарихчиларга ҳам «Оллоҳ таоло суннатини», яъни сабаб ва оқибат алоқадорлигини қидириб топиш, демак, тарихни дуневий — илмий тушуниш ва талқин этишга кенг имкониятлар очиб берган эди. Шунинг учун ҳам мусулмон дунёси кўпгина табиий, илмий соҳаларда, айниқса, «ношаръий илмлар», яъни юнонлар фанлари саналимиш, фалсафа, риезиёт, астрономия, жўғрофия, тиббиёт соҳаларидаги асарларни таржима қилиб, уларга ҳиндлар илм — фани, астрономияси, ҳисоб ва риезиёт илмларини кўшиб, ўз тажрибалари, янги хулоса ва ечимлари билан бойитиб, ижтимоий ва табиий фанлар тараққиётида улкан ютуқларга эришган эдилар. Хоразмий, Фаргоний, Розий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайем, Улуғбек ва бошқа олимлар мазкур ютуқларни кўлга киритиб, жаҳон илм — фани, маданияти, ижтимоий тараққиётига улкан ҳисса қўша олган эдилар. Бекорга Ж.Сартов IX — XI асрлардаги жаҳон илм — фани тараққиётида «Хоразмий даври», «Марвазий даври», «Бузжоний даври» «Беруний даври» кейинчалик эса «Улуғбек даврларини» Марказий осиелик, туркистонлик олимлар номи билан боғламаган. «Бироқ айни пайтнинг ўзида, — деб кўрсатган эди А.З.В.Тўғон, — тарих фалсафасини акс эттирган қадимги юновликлар ва римликлар асарларидан бирортаси арабчага таржима этилмаган. Масалан, Фукидид, Полибий ва Тацит асарлари мусулмонларга тамомилан номаълум бўлиб қолаверган.»²²

Илк мусулмонларнинг тарихни тушуниш ва талқин этишлари асосан, исломдан олдинги араб ва форс ривоятлари таъсирида шакланган ва шунинг учун бу ҳали илмий — тарих эмас, асосан, эртак, афсона, ривоят, дoston, жуда нари борса, хронологик баен, сулоаларнинг қаҳрамонлик, ишқий эпик саргузаштлари доирасида қолаверган эди.

²¹ Ord.Prof.Doctor A.Z.V.Тоған. Tarichte Usul. Istanbul. Endurun kitabeve. 1985, 146s.; Ўзбекчаси учун қаранг: А.Зоҳидий ва бошқалар. А.З.В.Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари(1913—1914), Т.Фан. 1997, 58-59-66

²² Ord.Prof.Doctor A.Z.V.Тоған. Tarichte Usul. Istanbul. Endurun kitabeve. 1985, 146 s.; Ўзбекчаси учун қаранг: А.Зоҳидий ва бошқалар. А.З.В.Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари(1913—1914), Т.Фан. 1997, 59 б.

Тўғоннинг фикрича, ислом дунёсида пайғамбар «мағозийлари», «сира»лари, араб футухотлари давомида «Илм – ул – Ҳадис», «Илм ул – тафсир» бунёд бўлгач, «Бунинг соясида арабларда ривоятларнинг танқидий таҳлили анъанаси вужудга келди. Ҳадис ривоятларини танқидий таҳлили қилиш усули Табарий каби олимларнинг тарих ривоятчилиги тизимидан узоқлашишларига олиб келди.»²³

Ҳозирги Ўзбекистон олимлари ҳам тарих илми усулининг юзага келтиришда хусусан Ҳадис илмининг султони Имом Исмоил ал – Бухорий яратган ҳадис илмидаги танқидий усул тарих илми усулининг шаклланишига сабаб бўлганлиги тўғрисидаги хулосани айтмоқдалар.²⁴ Проф. А.З.В.Тўғоннинг хулосасига кўра, Араб – мусулмон Ўрта аср тарихчилигида тарих фалсафаси тизимига ўхшаш таълимотни Абу Райҳон Беруний, Абу Али Мискавайх, «Тажариб ул – умам» асарида ва Абдурахмон ибн Халдуун яратганлар.

Профессор А.З.В.Тўғоннинг аниқлашича, Беруний албатта, махсус тарих фалсафаси бўйича асар ёзиб, бунга доир ўз қарашларини яхлит, мустақил бир асарда баён этмаган. «Ҳар ҳолда бундай асари бизгача етиб келмаган. Унинг тарих концепциясини, фалсафасини акс эттирувчи қарашлари Ҳинд маданиятини тарифлашга доир ёзган «Китаб – мо – лил – Ҳинд...», "Ал – Осор ул – боқия"сида, минерологияга оид «Ал – Жамаҳир фи – л – маърифат ул – жаваҳир»ида, доришуносликка оид «Ас – Сайдана» ва жўрофияга оид тадқиқот усуллари ҳақида ёзган «Таҳдид ниҳоя лил – амокин» номли асарларига ёзилган «Муқаддима»ларда ўз ифодасини топган.»²⁵

Берунийнинг тарих фалсафасининг асосий йўналишлари, муаммоаларини худди биз юқорида тадқиқ этганимиздек, проф. А.З.В.Тўғон ҳам Берунийни юқорида санаб ўтилган 5 та шоҳ асари, бошқа асарлари, манбалар, ҳамда тадқиқот адабиёти асосида муфассал ёритиб бераркан, у ҳам алломанинг тарихий тафаккур ва тадқиқот усулининг ўзига хос бўлганлигини лўнда қилиб очиб берган. Беруний «тарих масалаларини аниқлашда, археологик, ҳатто геология ва геодезия ва иқтисодиётга аҳамият берган. Катта тарихга хурофий қарашларнинг қоринштириб юборилишига қарши кескин салбий муносабат билдирган.»²⁶

²³ Ord.Prof.Doctor A.Z.V.Togan. Tarichte Usul. Istanbul. Endurun kitabeve. 1985, 146 с.; Ўзбекчаси учун қаранг. А.Зоҳидий ва бошқалар. А.З.В.Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари(1913 – 1914), Т.,Фан, 1997, 59-б.

²⁴ А.Зоҳидий. Имом ал – Бухорий ва ҳадис илмидаги тарихий – танқидий усул – «Имом ал – Бухорий ва унинг дунё маданиятида тугган ўрни» мавзусидаги халқаро конференция материаллари» Т., Фан, 1998, 63 – 65 – 66.

²⁵ Ord.Prof.Doctor A.Z.V.Togan. Tarichte Usul. Istanbul. Endurun kitabeve. 1985, 147 с.; Ўзбекчаси учун қаранг. А.Зоҳидий ва бошқалар. А.З.В.Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари(1913 – 1914), Т.,Фан, 1997, 60 – б.

²⁶ Ord.Prof.Doctor A.Z.V.Togan. Tarichte Usul. Istanbul. Endurun kitabeve. 1985, 147 с.; Ўзбекчаси учун қаранг.

Проф. А.З.В.Тўғоннинг бу фикрлари ва маълумотларининг ҳақиқий илмий – тарихий ва маънавий қиймати, халқимизнинг бой маънавий ва илмий меросини тўғри англаб етиш ва талқин қилишдаги ўрни ҳамда аҳамиятини баҳолаш имолишимиз учун юқоридаги хулосалар ва маълумотлар 1934 – 1940 иилларда бутун дунёга маълум қилиниб, Германия ва Деҳлида босилганлигига диққат қилинишини истардик.

Лекин проф.А.З.В.Тўғоннинг берунийшуносликдаги илмий тарихий хизматлари, тарих фалсафасининг ҳақиқий қиймати ва қадрини англаб етиш учун қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш уринли бўлади. Гап шундаки, проф. А.З.Тўғоннинг Германияда эълон қилган мақоласи, Деҳлида нашр этган мақоласи ва китоби босилган даврда на «Ас – Сайдана», «Геодезия» ва на «Минерология» нашр ва таржима этилмаган, "Ал – Қонун ал – Масъудий" арабча манти эса, Индигина Макс Краузи томонидан нашрга тайерланган эди, холос. Хассос шарқшунос ва тарихчи юқоридаги мақола ва китобида²⁷ илк бор "Ал – Қонун ал – Масъудий," «Минерология», «Геодезия» ва «Ас – Сайдана» дан Берунийнинг асл арабча матнларини сайланма тарзда келтириб, ўз хулосаларини илгари сурган эди.

Хуллас, Беруний «тарих фалсафасини» илмий ва холис баҳолашда А.З.В.Тўғон бир бунча жиддий ютуқларга эришган.

Г.К. Машарипова – к. ўқ. УДУ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ «ХОРАЗМ ТАРИХИ» АСАРИ ҲАҚИДА

«Қадим Хоразм диёрида азалдан илму фан, санъат ва ҳунар равнақ топиб, гуллаб яшнаган. Маълум академияси ҳам айнан ана шу ерда вужудга келганини доимо фахру гурур билан эслаймиз. Бу ўлкада етишиб чиққан Муҳаммад ал – Хоразмий, Абу Райҳон Берунийдек даҳо аждодларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшиб, ақл – заковати, салоҳияти билан олу юртимизнинг, халқимизнинг номини оламга тараннум этдилар. Кўп асрлик тарих ва бебаҳо маданиятга эга, қанчадан қанча буюк зотларга таълим ва тарбия берган Хива шаҳри бутун дунёга маълум ва машҳур табаррук маскандир», – дейилади Ўзбекистон Республикаси Президенти

²⁷ Зоҳидий ва бошқалар А.З.В.Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари(1913 – 1914), Т.,Фан, 1997, 60-61.

²⁸ A.Z.V. Togan. Der Islam und die geographische "Wissenschaft"-Hetners Geographische Zeitschrift, Heidelberg, 1934. №8 10, 361-372-66(Ислам и географическая наука – немис тилида) ШУ муаллиф Islamic and the science of geography// Islamic culture. Haydarabad, October 1934 pp, 511-526; ШУ муаллиф: Beruni's Picture of the World. New Delhi, 1940. X, p-142 (Берунийнинг дунё харитаси-инглиз тилида)

Ислом Каримовнинг Хива шаҳри 2500 йиллигини нишонлашга бағишланган сўзларида²⁸.

Мустақиллигимиз шарафати ва Президентимизнинг махсус қарори билан қайтадан ташкил қилинган Маъмун Академияси Республика илм аҳли, айниқса, хоразмликларнинг илмий фаолиятига кенг имкониятлар яратди. Шунингдек, бу Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, уни жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни қўллаб қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантиришда қўйилган муҳим қадам бўлди.

Абу Райҳон Беруний Хоразм Маъмун академиясининг мударриси ва таваллудининг 1030 йиллиги муносабати билан ушбу мўъжазгина мақоламизни устоз Берунийга бағишладик.

X аср охири – XI аср бошларида Хоразм ўлкаси катта тарихий воқеаларни бошидан кечирди. Давлат сиёсий мавқеининг мустаҳкамланиши унинг ижтимоий–сиёсий ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Пойтахт – Гурганч (Кўҳна Урганч) турли мусулмон мамлакатларидан йиғилган олимлар учун ижод масканига айланди. Хоразм ҳукмдори Али ибн Маъмун бу илм фидойиларига ижод учун қулай шароитлар яратиб берди.

Беруний тарих фани ҳақида ҳам 15 та асар ёзган бўлиб, жумладан, «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Муқанна қўлғолонига бағишланган рисола», «Ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар», «Йилларни чиқаришдаги фарқлар ҳақида», «Тарихни ўринсиз сўزلардан тозалаш» каби асарлари шулар жумласидандир. Бу асарларида Беруний тарихчи сифатида тарихчилар оддига «тарихни ҳаққоний тасвирлашни, барча халқларга бирдек ҳурмат билан қараши, айрим киши ва халқларнинг тарихий хизматларига тўғри баҳо беришни, ўрганилаётган воқеа сари интилувчи, этнографияга оид воқеаларни тўла ёрита олиши, турли халқлардаги фанлар ҳақида аниқ ва тўлиқ хулоса чиқара олувчи бўлиши керак, – дейдиган талабларни қўяди.

Афсус, устоз Берунийнинг табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги бой меросидан – илмий асарларидан ҳаммаси бизгача етиб келмаган; уларнинг аксари жуда барвақт йўқолиб кетган. Биз уларнинг номларинигина биламиз. Бизгача етиб келмаган, ўша XII асрдаёқ йўқолиб кетган асарлари ичида «Хоразм тарихи» ёки «Китоб ал–мусомара фи ахбор Хоразм» («Хоразм хабарлари хусусида суҳбатлар») деб аталувчи китоби ҳам бор. Берунийнинг замондоши ва тарихчи Абу–л–Фазл Муҳаммад ибн Ҳусайн Байҳақий (995–1077) «Хоразм тарихи»ни «Машоҳири Хоразм» («Хоразмнинг

²⁸ Халқ сўзи. 1997, 21 ноябр.

машҳур китоблари») номи билан ёритилди. Араб олими Ёқут Ҳамавий ҳам ўз асарларида Берунийнинг шу китобидан парчалар келтирган. Демак, Байҳақий ва Ёқут Берунийнинг «Хоразм тарихи» китобидан фойдаланганлар.

Ўтган асрнинг 60–йилларида Байҳақийнинг юқорида тилга олинган асари сақлашиб қолган ҳозир «Тарихи Байҳақий» деб аталувчи қисми нашр этилди²⁹. Шундагина Берунийнинг мазкур номдаги асари бўлганлигидан дастлаб Европа олимлари воқиф бўлдилар. Беруний ўз китобини қандай атагани бизга номаълум. Кейинги ўтган тарихнавис олимлар асарларидан бу китобнинг еттита номи аниқланган. Абул Фазл Байҳақий ва Абу Райҳон Беруний Султон Маҳмуд саройида эдилар. Султон Маҳмуддан кейин эса унинг ворислари Масъуд ва Мавдуд хизматида ҳам бўлдилар. Улар эҳтимол шахсан таниш бўлишлари ҳам мумкин. Лекин улар ёшлари жиҳатидан анча фарқ қилганлар. Беруний ҳаётигида Абул Фазл Байҳақий Ғазнавийлар девонхонасида девонбеги ёрдамчиси вазифасида эди. Унга сарой аҳли шубҳасиз, турли масалалар юзасидан мурожаат қилган. Байҳақий қўлёзмасининг эълон қилинган қисмида Берунийнинг «Хоразм тарихи»дан олинган турли мазмундаги парчаларни топиш мумкин.

Абул Фазл Байҳақий асаридаги «Хоразм тарихи» парчалари билан танишиб чиқишдан олдин бу асарнинг характери, тузилиши ва ҳозирги даврдаги аҳволи ҳақида қисқача тўхтаб ўтишга тўғри келади. Байҳақий ўз асарини 1056 йили, Абу Райҳон Беруний вафотидан саккиз йил кейин ёзишга киришади. Бу пайтда Байҳақий хизматдан кетган эди. Унинг ҳамшаҳари олим ва мусанниф, «Тарихи Байҳақ» асари муаллифи Абул Ҳасан Али Байҳақийнинг (Ибн Фундуқ лақаби билан машҳур) хабар беришига қараганда, Абул Фазл Байҳақийнинг асари 30 жилдни ташкил этган. Абул Фазл Байҳақий асари ҳам бизгача тўлиқ етиб келмаган.

Байҳақий ўз асарини йилнома тарзида ёзган. Бизгача етиб келган жилдларида (1030–1041 йиллардаги) ёзувларни учратамиз. Учинчи жилдининг сўнггида, Байҳақий нияти бўйича, яна бири – Хоразм тарихига, иккинчиси – Рай шаҳри тарихига бағишланган икки боб бўлиши керак эди. Бу икки йирик вилоятни Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлигининг сўнгги ўн йиллигида истило этган эди. Абул Фазл Байҳақийнинг ёзишича, Беруний Хоразмнинг Султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан истило қилиниши ва у томондан тайинланган ҳоким хоразмшоҳ Олтинтош замонидан то

²⁹ The Tarikh Baihaki containing the of Masaud, son of Sultan Mahmud of Ghaznin... ed. By W.N.Morley, Calcutta, 1861-1862.

Салжуқийлар томонидан босиб олиншигача бўлган тарихини баён этган³⁰.

Хоразм тўғрисидаги бобнинг бошланишида китобхонга қарата Байҳақий шундай ёзади: «Мазкур тарихий асарни ёзишга киришар эканман, ўз кўрганларим ёҳуд ишончли одамлардан эшитганларимни битишга аҳд қилдим.

Бурунроқ мен устод Абу Райҳон (Абул Фазл Байҳақий ҳеч қаерда Берунийни ўз нисбаси билан атамади) қаламига мансуб бир китоб кўрган эдим. Ул зот суҳондонликда ва ҳодисалар моҳиятини англашда, география ва фалсафа фанида назири йўқ киши эди, замонасида унга тенг келадиган топилмас эди, у бирор нарсани ўйламай ёзмас эди. Бу тафсилотларни мен мазкур тарихни ёзишда қанчалик эҳтиёткорлик билан ин кўрагимни ойданлаштириш учун ёзмоқдаман».

Байҳақий Абу Райҳон Берунийдан олинган айрим парчаларни келтириш, шарҳлашдан олдин «Хоразм тарихи»нинг қисқача мазмунини ва унга ўз нуқтаи назарини баён этади. «Хоразм тўғрисида ёзар эканман, — дейди у, — Абу Райҳонга эргашиб, Маъмун хонадони тарихидан бошлашни лозим топдим. У мазкур хонадонни инқирозга олиб келган сабабларини ўз кўзи билан кўрган, ўз бошидан кечирган эди. Ул вилоятнинг Маҳмуд давлатига кўшиб олينيши, марҳум амирнинг ўша мамлакатта бориши, унинг ҳукмронлигида аҳволи нима кечгани, ҳожиб Олтинтушни у ерга тайинлаб, султоннинг қайтгани, Олтинтош ўғлининг фитначиларга эргашувигача қандай воқеалар бўлгани ва Олтинтош хонадонининг тутганини яхши билар эди. Бу хабарларда бирмунча ажойиб ва гаройиб воқеалар тафсили борми? . . .».

Берунийнинг «Хоразм тарихи»дан маълумотлар кўчирар экан, Абул Фазл Байҳақий бу асарнинг мазмунини тўлиқ келтирмасдан, айрим ҳодисалар тафсилотига тўхтади. Шундай тафсилотлар бор: Абул Аббос Маъмуннинг сифатлари, Абул Аббоснинг Берунийга ва Маҳмуд Ғазнавийга муносабати, улар орасидаги ихтилофлар, Абул Аббоснинг Маҳмуд номига хутба ўқитишга розилик бериши, Абул Аббос, яъни Хоразмшоҳ ва Маҳмуд куёвининг ўлдирилиши, Маҳмуднинг бу ҳодисани Хоразмни олиш учун баҳона сифатида фойдаланиши ва ҳоказо.

Абул Аббос ва Султон Маҳмуднинг характери белгилари ва қилишлари тўғрисида ҳикоя қилишда Беруний ҳам, Байҳақий ҳам эҳтиёткорлик билан қалам тебратганлар.

³⁰ Абу-л-Фазл Байҳақий. История Масъуда. Перевод с персидского А.К.Арендса. Изд.—е 2—е. 1969. Стр. 807—817.

Устоз Берунийнинг тарихий асарлари бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, унинг тарихга оид маълумотлари «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Хиндистон», «Минералогия», «Тафҳим» ва бошқа бирқанча асарларида келтирган. Бугунги кунда тарихий манбаларни излаб топишда ва уларни ўрганишда устоз Беруний асарларига таяниш ва уларни Олий ўқув юртлари дарсликларига киритиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

А. Р. Муҳаммаджонов — т.ф.д. проф., акад. ЎЗМУ

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ҲАҚИДА

Амир Темур салтанатининг бошқарув тизими Туркистон ва Мовароуннаҳр давлатчилигининг асрий анъаналарига асосланган бўлиб, фатҳ этилган мамлакатларнинг маданий таъсирида бир қатор янги тартиб ва қоидалар билан такомиллаштирилган эди.

Салтанатнинг марказий маъмурияти бош вазир — девонбеги бошлиқ етти вазирдан иборат аркони давлат— вазирлар маҳкамаси томонидан бошқарилган. Улардан биринчиси — мамлакат ва раият ишлари бўйича вазир бўлиб, вилоят ва туманлардан тўпланадиган ҳосил, солиқ ва ўлпонлар ҳамда мамлакатдаги ободончилик ишлари билан шуғулланган.

Иккинчиси — вазир сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар бўйича вазир бўлиб, у аскарларнинг маоши ҳамда озиқ — овқат ва қурол — яроқлар таъминоти билан машғул бўлган. Учинчиси, тижорат вазири эди. У савдогарларнинг мол — мулкларидан олинадиган закот ва божлар, чорвачилиқдан йиғиладиган даромад, эгасиз қолган мол — мулкларни тасарруф этиш, мерос ва черосхўрлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш каби ишларни бажарган. Тўртинчиси — салтанат ишларини юритувчи вазир — яъни, молия ишлари вазири бўлиб, у давлат хазинасидан сарф этиладиган харажатлар, умуман салтанат қирим — чиқимларини бошқарган. Бу тўрт вазирдан ташқари, чегара вилоятлари ва тобе малакатлар ишларини назорат қилиб туриш учун махсус уч вазир тайин этилган эди. Бу уч вазир маъмур вилоят ва мамлакатлардан давлат хазинасига келиб тушадиган даромадларни назорат қилиш ва улар билан боғлиқ бўлган молиявий масалалар билан шуғулланган. Ўз навбатида улар салтанатнинг бош назорат ҳайъатини ташкил этганлар. Бу ҳайъат «холиса» деб юритилган. Бу етти вазир девонбегига бўйсунган ва у билан бамаънаса давлатнинг муҳим молиявий ишлари амалга оширилган.

Етти вазирлардан ташқари девонхона қошида арзбеги, садри аъзам, шайхулислом ва аҳдос қозиси каби лавозимлар ҳам жорий этилган эди. Арзбеги фуқаро ва сипоҳийлардан тушадиган арзу шикоятлар ҳамда мамлакатдаги аҳвол тўғрисида маълумотлар тўплаш ва бу борада олий даргоҳга муттасил ахборот етказиб туриш каби вазифаларни бажарган. Садри аъзам, яъни бош садр мамлакатдаги барча вақфларни бошқарга. У масжид, мадраса, мақбара ва хоказолар тасарруфидаги вақф хўжаликларининг аҳволини назорат қилиш, давлат ва ер эгалари томонидан вақф қилинган ерлар, мулкларни қайд этиш, вақфномалар тузиб, уларни қонунлаштириш билан шуғулланган. Шайхулислом мамлакат ақолисининг турли ижтимоий табақалари ўртасида шариат аҳкомалари ва ислом ақидалари — яъни, қонун қоидаларининг ўз вақтида ва тўғри бажарилишини назорат қилган. Адлия ишлари бўйича белгиланган қози — ул — қуззот, яъни давлатнинг бош қозиси эса «аҳдос қозиси» номи билан юритилиб, у фуқаро, яъни граждн ишлари билан шуғулланган. Шу билан бирга салтанат маҳкамаларида кирим — чиқимларни ва кундалик харажатларни қайд этувчи махсус котиб тайин этилиб, одатда у «мунши» деб юритилган.

Мамлакат маъмурий жиҳатдан улус, вилоят ва туманларга бўлиниб, улар ҳоким, ноиб ва туманбошилар томонидан бошқарилар эди. Уларнинг аксарияти ҳарбий мансабдор — амирлардан иборат эди. Ҳар бир шаҳар ва вилоятнинг ўз ҳокими бўлганидек, молия девони, қозиси, муфтиси, мугаваллиси ва мухтасиби бўлган. Лашкарлар учун эса, хатто махсус қози тайин этилиб, у «лашкар қозиси» яъни ҳарбий қози деб юритилган. Шунингдек, ҳар бир шаҳар ва қалъаларга қутвол, яъни комендант тайин этилиб, унга шаҳар ва қалъа истеҳкомларини таъмирлаш ва уларнинг мудофааси каби вазифалар юкланган эди. Шубҳасиз, маҳаллий маъмурлар, ўз навбатида, Салтанатнинг олий девони — аркони давлатга бўйсунганлар.

Шуниси эътиборлики, улус ноиби ёки вилоят ҳокими мансабига аксарият шаҳзодалар ёки хизмат кўрсатган саркарда ва давлат маъмурлари тайин этиларди. Чунки Амир Темур мамлакатни, хусусан фатҳ этилган вилоят ва ҳудудларни ўғиллари, набиралари ва хизмат кўрсатган амирларга суюрғол тарзида инъом қилиб, улар орқали бошқарган.

Суюрғол шаклидаги ер эгаллиги ва бошқарув Амир Темур давлати ташкил этилиши арафасида жорий этилиб, у «иқта» каби маълум туман ёки вилоятларни ҳукумат ёрлиғи билан ғарбдаги «феод» ёки «лен» тарзида олий ҳукмдор авлодлари ва хизмат кўрсатган юқори табақа зодагонларга инъом тариқасида берилган. Баъзан суюрғол ерлари олий ҳукуматнинг фармони билан хатто,

авлоддан авлодга мерос бўлиб, ҳам ўтган. Масалан, Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонگیر вафотидан сўнг унга тегишли Балх вилоятига Қобул, Ғазна ва Қандаҳор қўшиб, марҳумнинг ўғли Пирмуҳаммадга берилади. Шунингдек, Умаршайхнинг ўғли Рустамга Исфажонни, Мироншоҳнинг ўғли Абубакрга Бағдод суюрғол қилинади. Мана шу тарзда Монароқинаҳрдан ташқари, мамлакат бир қанча бўлақларга бўлиниб кетади.

Вилоят ҳокимлари — шаҳзодалар ўз тасарруфидаги улусларда иложи борича мустақил ҳукмронлик қилишга интилар эди. Марказий ҳукумат эса, вазият жиддийлашган пайтлардагина уларнинг ички ишларига аралашарди.

Шубҳасиз суюрғол асосида қурилган мулкчилик тартибининг ғоятда кучайиши оқибатида айрим вилоятларнинг мавқеи ошишига олиб келган ва ички низоларни келтириб чиқарган. Темур ҳаётлик чоғидаёқ мамлакатнинг узоқ ўлкаларидагина эмас, ҳатто унинг марказий вилоятларида ҳам турли низолар ва ғалаёнлар бўлиб турган. Лекин, қатта ҳуқуқ ва имтиёзга эга бўлган, кучли қўшинига таянган буюк ҳукмдор айрим вилоятларнинг мулкдор доиралари томонидан кўтарилган исёнлар, халқ ҳаракатларини осонгина бостира олар эди. Шундай қилиб, ўрта асрларнинг йирик ҳарбий — мулкдор давлати ҳисобланган Амир Темур салтанати вилоятлардаги феодал мулкларнинг бирлашмаси бўлиб, унинг маъмурий жиҳатдан марказлашиб тақомиллашувга суюрғол мулкчилигининг кенг тарқалиши жиддий тўсқинлик қилади.

III. Ўлжаева — т.ф.н. ЎЗМУ

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчилик аъёналари тақомиллашган ва давлат пухта, аниқ ва яхлит ишлаб чиқилган давлатчилик назарияси ва таълимоти орқали бошқарилган. Шунингдек давлатчилик механизмларининг ўзаро уйғунлиги, муаносиблиги, бир — бирига мувофиқлиги, қонун ва адолат устиворлиги, халқ ва давлат бирлиги таъминланган. Том маънода фуқаролик жамияти асослари яратилган. Амир Темур ва темурийлар даврида давлатнинг рамзий тимсоли бўлмиш салтанат раҳбарларига эътибор берилиб, улар давлат ишларини юритишга, маънавий, ҳуқуқий, психологик жиҳатдан пухта тайёрланган. Ҳукмдор давлатни аниқ ва пухта ишлаб чиқилган қонунлар орқали бошқармоқлиги ва жамият олдидagi жавобгарликни сеза билиши,

мамлакатни турли хавфу хатарлардан сақлай олиши, жамият манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш муҳим шарт ҳисобланган.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар давлат бошқаруви учун стратегик тамойиллар ишлаб чиқилган ва бу тамойиллар давлатчиликнинг юксак тараққиётга кўтарилишида, муҳим аҳамият касб этган. Давлатнинг бош ислоҳотчилиги, қонун устиворлиги, адолат, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, ижтимоий ҳимоя, маслаҳату — машварат асосий тамойил ҳисобланган. Шунингдек, мамлакат тинчлиги ва яхлитлигига раҳна солувчи икки—ички ва ташқи хавфларни бартараф этувчи қоида ва йўналишлар ишлаб чиқилган. Демак бу даврда давлат хавфсизлик хизмати назарияси ва усуллари пухта ишлаб чиқилган. Соҳибқирон Амир Темур нафақат мамлакат ичкарасидаги, балки қўшни давлатлардаги зўравонлик, қонунларнинг поймол этилиши ва парокандаликларни таг—томири билан йўқотишга интилган.

Бу даврда қонунчилик адолат мезонлари асосида яратилган ва аввало жиноятга жазо беришга эмас, балки унинг олдини олишга эътибор қаратилган. Содир этилган жиноятга муқаррар равишда жазо белгиланган.

Амир Темур ва темурийлар даврида судлар ихтисослашган бўлиб, улар фуқаролик, шариат ва ҳарбий судларга бўлинган. Жиноятларга жазо беришда бир жиноятга бир жазо принципи ва айбисизлик презумпциясига ҳам амал қилинган.

Соҳибқирон даври давлатчилигида ҳарбий тизим ҳам муҳим соҳа ҳисобланган. Ундаги ихчамлилик, қўшин қисмларининг ўзаро бир—бирига узвий боғлиқлиги, бўйсунушнинг қоидалари, поғоналар тизими мукаммал ишлаб чиқилган ва у санъат даражасига кўтарилган. Унинг ҳарбий тизими мамлакатда аввало мудофаа, тинчлик ва барқарорликни сақлашга кагта таъсир кўрсатган. Ҳарбий куч—қудрат халқаро сиёсий нуфузни белгиланган ва урушлар бош масала бўлган ҳарбий—феодал жамиятида ҳарбий тизимнинг такомиллашиши халқаро миқёсда кенг қамровли геосиёсатни олиб боришда хал қилувчи омиллардан ҳисобланган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳарбий тизимни санъат даваражасига олиб чиқиш билан бирга Амир Темурнинг қўллаган стратегик режа ва тадбирлари у эришган галабаларнинг бош сабабларидадир. Улар олғирлик, тезкорлик ва ўта махфий тарзда бажарилган. Темур ўз даврининг геополитик вазиятини яхши билган ва имкониятлардан юқори даражада фойдалана олган.

Унинг давлат бошқарув мафкуриси негизи ислом дини бўлган умуминсоний қадриятларга асосланганлиги ҳам тараққиётга ижобий таъсир кўрсатган. Амир Темур ва темурийлар даврида миллатлараро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши интеграцион

жароёнларнинг кучайишига олиб келган ва бу тадбирлар давлат ривожига самарали таъсир кўрсатган.

Кенг кўламли ободончилик ва бунёдкорлик ишлари Амир Темур ва темурийлар давлатчилигининг стратегик мақсадларига муштарак бўлиб, улар давлат қудратига далил вазифасини ўтаган ва уларда «давлат юксакликка етаклайди» деган фалсафий ғоялар тарғиб қилинган. Бу даврда барпо этилган залворли ва улуғвор иморатлар орқали улар ўз давлатининг куч – қудратини тарғиб қилганлар.

Амир Темур ва темурийлар давлатчилигида қурултойлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Уларда уруш ва тинчлик, бошқарувга оид муҳим масалалар кўриб чиқилган ва бу сиёсий институт давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб турган. Давлатчиликдаги бу сиёсий йўналиш муқаммал бошқарувни олиб боришда муҳим аҳамият касб этган. Қурултойлар демократия билан уйғуланган бўлиб, давлатчилигимиздаги ўзига хос мутлоқ монархия тизимини танкил этадики, бизнингча бу сиёсий институтнинг фаолиятини ва жамият ҳаётидаги ўрнини жиддий ўрганиш долзарб масалалардандир.

Амир Темур ва Темурийлар давлатчилигида маъмурий тизим анча пухта ишлаб чиқилган бўлиб, унга қадимий туркий, исломий ва мўнғул анъаналарининг энг сара жиҳатлари сингдирилган ва кўчманчи ва ўтроқ аҳоли манфаатлари эътиборга олинган ва бу давлатчилик байналминаллашган.

Бу даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркиниклари қонун йўли билан муҳофаза этилган. Амир Темур давлатида ўн икки тоифадан иборат ижтимоий тизимнинг яратилиши ва муҳофаза қоидалари ижтимоий назария ишлаб чиқилганлигини билдиради. Шунингдек, темурийлар давлатида кадрлар масаласини тўғри хал қилиш энг йирик муаммолардан ҳисобланган. Айниқса давлат раҳбари ва вазирларни танлаш, амирлик даражасини олиш ва бошқа мансабларга тайинлаш, кадрларни жой – жойига қўйиш бошқарувдаги нозик ва масъулиятли вазифалардан ҳисобланган.

Амир Темур ва темурийлар даври дипломатияси давлат бошқарувининг муҳим йўналишини ташкил этган. Улар давлатчилиги олдига қўйган стратегик мақсад ва ғояларига айнан тўғри қўлланилган дипломатик чора – тадбирлар орқали эришган.

Амир Темур ва Темурийлар даври дипломатия тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу даврда ушбу соҳа назарий ва амалий жиҳатдан такомиллашган ва юқори даражага кўтарилган.

Бизнингча, ушбу омиллар Амир Темур ва Темурийлар даврида миллий давлатчилик анъаналари такомилга етиб, бошқарувнинг санъат даражасига кўтарилишига ва жамиятнинг барча жабҳаларида Уйғониш палласига ўтишига кучли таъсир кўрсатган.

БУХОРО, ХИВА ВА ҚЎҚОН ХОНЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Худудимизда ягона, бир бутун, маълум даражада марказлашган давлатлар шаклланган даврларда (Кушон подшоҳлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар Шайбонийхон, Абдуллахон II ҳукмронлигида, айниқса Амир Темур ва Мирзо Улуғбек раҳнамолигида) мамлакатимиз ҳар томонлама — иқтисодий, ижтимоий, маданий жиҳатларда ривож топган эди, хусусан илм — фан, санъат, маърифат, архитектура, умуман шарққа хос маданият юксалган эди.

Демак, мамлакатимизнинг ўтмишдаги салоҳиятини назарда тутсак, фан ва техника асрида юз берган янги тараққиётда, яъни техникавий цивилизацияда халқимиз ўзига муносиб ўринда туриши учун етарли потенциалга, яъни имкониятларга эга эди.

XVIII аср бошларида Ўрта Осиёда Бухоро Хива ва Қўқон ўзбек давлатлари сулолавий асосда пайдо бўлди. Бу сулолалар илдизлари туркий бўлган ўзбеклар таркибидаги манғитлар, қўнғиротлар ва минглар эди. «Тарихий нуқтаи назардан олганда, — деб ёзади Ислон Абдуғаниевич Каримов, — ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» деган асарида — Марказий Осиё давлатни миллийлик белгисига қараб ташкил этиш анъаналарига эга эмас эди. Бу ерда Россия томонидан мустамлака қилиб олунга қадар ҳамма давлатлар асосан сулолавий ёки худудий (Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари) принциплар бўйича ташкил топган эдилар».

Афсуски ўзбек сулолалари ўртасида бирлик бўлмади, аксинча, сиёсий қарама — қаршиликлар, худуд ва бойлик талашиб ўзаро курашлар, урушлар авж олди. Бундай вазиятда, аниқроғи XIX асрнинг 60 — 80 йилларида Ўрта Осиёдаги еш давлатлар Чор Россияси томонидан истило қилиниб, диёримиз мустамлакага айланди, ўзбек давлатчилиги синдирилди. Мустамлака даврида халқимизда қадимдан мавжуд бўлган тараққиётта пойдевор бўладиган потенциал камая бошлади.

Асрлар давомида бир бутун бўлиб келган мамлакатнинг ягона иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган халқнинг бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар ҳар бир давлат ичидаги бошбошдоқлик ва ҳокимият учун тинимсиз давом этган ички низо ва урушлар бутун худуд, мамлакатни хонавайрон қилди. Бу жараён гуруҳбозликни келтириб чиқарди, қабилаарни этник аралашувига, бир бутун, ягона халқ бўлиб (масалан японлар каби) қовушишга, жипслашишига ҳалақит берди.

Давлат даражадасида ҳам, вилоятлар даражасида ҳам ягона халқ, ягона Ватан, яъни Ўрта Осиё ҳаммамиз учун биргалашиб яшайдиган умумий уй тушунча қадри англаб олинмади.

Хонлар ўртасидаги ҳудуд талашувлари қонли тўқнашувларга олиб келарди. Бунга кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Хива хони Абдулғози кўп сонли қўшин билан Бухоро хонлигига тегишли ерларга ўн саккиз мартаба босқинчилик юришлари уюштирган.

Хива хони Абдулғозининг вориси бўлмиш Анушхон даврида (1663–1687) Хива қўшинлари Бухорога, Самарқандга, Қаршига бир неча бор ҳужум қилиб турдилар.

Бу ҳужумларни қайтаришга эришган Бухоро хони Субхонқулихон Хивада ўз таъсирини ўтказишга эришди. 1688 йилда у ўзига тобеъ бўлган Шоҳниёзи (1688–1707) Хива тахтига ўтқизиш, амалда Хивани Бухорога вассал давлатга айлантирди.

Аммо хиваликлар бу қарамликдан қутилишнинг бошқача йўлини топишди. Хон Шоҳниёз Россия императори Петр I га хат йўллаб, Хивани Россия таркибига қушиб олишни сўрайди.

Баъзи хонлар талашувларда ёвузлик усулларини қўллаганлар. Аштрхонийлардан бўлмиш Имомқулихон Тошкентда ўлдирилган ўғли Искандарнинг хуни учун халқдан қасос олмақчи бўлган. У Тошкентни эгаллангандан сўнг қуйидаги ваҳиёна мудҳиш фармон эълон қилган: "Шаҳар аҳолисининг қони отимнинг узангисига қадар чиқмагунча шаҳар аҳолисини қириб ташлаш тўхтамайди".

1807–1810 йилларда Бухоро амири Ҳайдар ва Қўқон хони Олимхон ўртасида Ўратепа, Зомин, Жиззах, Тошкент учун бир неча марта қонли урушлар давом этди. Натижада шаҳар, қишлоқ, овуллар вайрон этилиб, аҳоли орасида кўпгина қурбонлар бўлган.

Чор Россияси Ўрта Осиёга реал хавф солганда ҳам ўзбек хонлари душманга қарши курашиш учун бирлаша олмадилар. Уларни бирлашиб, Англия, Туркия ва Афғонистон ҳукуматлари Россия агрессиясига қарши ҳарбий ёрдам бериш истагини билдирган эдилар. Лекин хонлар бунга эриша олмадилар.

Аксинча, 1864 йилда рус полковники Черняев ўз қўшини билан Чимкентга ва Тошкентга хавф солган пайтда, Бухоро амири Музаффар ўз ҳарбийлари билан Ўратепани эгаллаб, Хўжандга ҳужум уюштирди. (бу шаҳарлар Қўқон хонлиги таркибида эди). Бу ҳолат Черняев қўшини томонидан Чимкент ва Тошкентни эгаллаб олишни осонлаштирди.

Ўзбек хонлари даврида сиёсий ҳаётнинг барқарор бўлмаганлиги, ўзаро феодал ва давлатларлараро низолар, қонли урушлар, иқтисодийнинг нотекислиги, халқ аксариятининг қашшоқлиги Ўрта Осиёни тараққиётга путур етказди.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

Маълумки, XVIII асрнинг бошларида Фарғона водийсида мустақил Қўқон хонлиги ташкил топди. XIX асрнинг бошларида хонлик ҳудуди кенгайтирилиб, Ўрта Осиё хонликлари ичида географик жиҳатдан каттаси, ҳарбий – маъмурий ва иқтисодий жиҳатдан кучли давлатга айланган эди.

Қўқон хонлигида ҳам Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги сингари давлат бекликларга бўлиб бошқарилган. XIX аср муаллифи Сатторхон Абдулғаффоровнинг маълумотига кўра, Қўқон хонлиги шу аср ўрталарига қадар Марғилон, Наманган, Андижон, Шаҳрихон, Чуст, Хўжанд, Ўратепа, Кировчи, Тошкент, Чимкент, Чиноз, Туркистон, Авлиё – Ота, Марка, Пишпак, Тўқмоқ каби бекликларга бўлинган.

Бекликлар хон томонидан тайинланган беклар томонидан бошқарилган. Хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлар эса хон назоратида бўлиб, ушбу қишлоқлар саркорлар томонидан идора қилинган.

Хонликнинг катта нуфузга эга бўлган беклиги Тошкент бўлиб, уни бекларбеги унвонидаги шахс бошқарган. Сирдарёнинг шимолидаги вилоят ва ҳудудлар ҳам Тошкент назоратида бўлган.

Маҳаллий бошқарув тепасида турган бекларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари тенг бўлиб, катта масъулиятни талаб этган. Хонликнинг маҳаллий бошқарув тизимидаги мансаб ва амалларга мансабдорлар беклар томонидан тайинланган ва ҳар бир мансабнинг эгаси ўзининг муҳрига эга бўлган.

Қўқон хонлиги маҳаллий бошқарув тизимида оқсоқоллар, амин ва саркорлар, қози, раис, миршаб ва мироб каби амалдорлар бўлиб, қишлоқларни оқсоқоллар бошқарган, амин ва саркорлар томонидан солиқ ва йиғимлар ундирилган, суд ишларини эса қози олиб борган. Раис шаҳарларда аҳолининг шариат қонунларига амал қилиши, бозордаги нарх – наво ва тошу – тарозининг тўғрилиги устидан назорат қилган. Миршаблар тунги соқчилик вазифасини ўтаганлар, мироблар эса суғориш тизимини назорат қилган.

Қўқон хонлиги ички бошқарувида солиқ тизими алоҳида аҳамиятга эгадир. Бекликлар солиқ ва йиғимларнинг фақат хирож ва танобона туридан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Қолган барча турдаги солиқлар хон ҳазинасига топширилган. Қўқон хонлиги тарихига доир архив ҳужжатларини ўрганиб тадқиқ этган А.Троицкаянинг берган маълумотларига кўра, солиқ ва молия

ишлари алоҳида «дафтар»га мирзолар ва солиқ йиғувчилар томонидан ёзиб борилган. Буни марказий ҳокимиятда фаолият юритувчи девонбети мансабдаги шахс назорат қилиб борган. Бу ҳақда XIX аср муаррихи Мухаммад Юнус Тоиб ҳам ўзининг «Тарихи Алимқули амир-ишкар» асарида, «Фарғонанинг хирожини, танобона ва закот пуллари, аскариянинг қишлоқ ва ғаллати, қишлоқлар ижороти, сарқору амлоқлар таҳқиқи ва ҳисоби, аскария яроғу аслиҳа дафтари сизга тааллуқдир. Булардан яхши хабардор бўлунг ва мукоҳила қилманг», — деб таъкидлайди.

Қўқон хонлигининг маъмурий бошқарув тизими ўз даврининг маҳсули бўлиб, узоқ давр давомида шакланган ва бутун бир хонликнинг ҳаётини тартибга солиш ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш имконини берган.

М. Сафарбосв — ф.ф. н., доц., УДУ

ОҒАҲИЙНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Огаҳий XIX аср Хоразм адабий муҳитида улкан из қолдирган сиймодир. У бизга жуда бой адабий—илмий мерос тухфа этган. Шоир мероси деярли тўлиқ ҳолда бизгача етиб келган. Шоирнинг бадиий мероси асосан “Баъзи мутафарриқани форси” ва “Таъвизул ошиқин” девонида, қисман тарихий асарларида жам бўлган. Биринчиси шоирнинг талабалик йилларида (1825 й.) тузилган баъз бўлиб, Жомий, Навоий, Хофиз Шеъррозий, Бедил, Фузулий ғазаллари билан бир қаторда шоирнинг уларга эргашиб ёзган ўн беш Ғазал ва иккита мухаммасидан иборатдир. Иккинчиси шоир уларнинг сўнги йилларида (1872 й.) тартиб берган девон бўлиб, мукаммал ва ноёб асардир.

Огаҳийнинг “Таъвизул ошиқин” девони ўзбек мумтоз адабиётининг нодир дурдонасир. Бу ноёб девоннинг тўлиқ академик нашри ҳалигача чоп қилинган эмас. 1960 йилги нашрида 225 шеър тушиб қолган, бу эса шоир ғояларининг тадрижий ривожига ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилмайди. Демак, “Таъвизул ошиқин”нинг тўлиқ илмий—танқидий матнини тайёрлаш ва чоп қилдириш лозим.

Маълумки, Огаҳий тарихнавис олим сифатида Хива хонлигининг 1813 йилдан то 1873 йилгача, яъни Россиянинг Хива хонлигини босиб олгунча бўлган даврни (1873 йил 12 август) ёзиб қолдирган. Мунис бошлаб қўйган, аммо вафоти туфайли тамомлай олмаган “Фирдавс ул—иқбол” номли тарихий асарни 1813—1825 йиллар тарихини ёзиш билан охирига етказди. Огаҳий

тарихнависликка бадий, илмий ва ҳаётӣ таҷриба тўплаб кириб келди. 1844 йилда Оллақулихон давридаги тарихий воқеаларни ўз ичига олувчи "Риёз уд-давлат", 1846 йилда Раҳимқулихон ҳукмронлиги даврини ёритиб берувчи "Зубдат ут-таворих", 1856 йилда Муҳаммад Аминхон ҳукмронлиги давридаги воқеаларни баён қилувчи "Жомеъ ул-воқеати султоний", 1865 йилда Саид Муҳаммадхон даври тарихини ёритувчи "Гулшани давлат" ва 1874 йилда эса Муҳаммад Раҳимхон II – Ферузшоҳ давридаги воқеаларни ўз ичига олувчи "Шоҳиди иқбол" номли тарихий асарларни ёзиб қолдирди. "Шоҳиди иқбол" асари Огаҳийнинг вафоти туфайли тугалланмай қолган, яъни рус кўшинларининг Хивани босиб олиш воқеалари билан узилиб қолган.

Огаҳий хонлик тарихини хронологик изчиликда, бой манбалар асосида ва шахсий кузатувларга суяниб ёзиб қолдирган. Огаҳийнинг тарихий асарлари ҳақида гап кетганда, Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича ёзилган ҳамма асарларни ўздан анча орқада қолдириб кетганлиги қайд этилади ³¹.

Огаҳийнинг тарихий асарлари фактик материалларнинг бойлиги ва ишончли бўлиши билан ажралиб туради. Бу асарларни бугун ҳаётини Хоразмда кечирган ва ҳодисаларнинг бевосита гувоҳи бўлган ёки уларни мутлақо ишончли манбалардан олган илғор фикрли ўз замонасининг катта олими ёзган. Шунинг учун мазкур асарлардаги маълумотлар субъектив тарафкашликни ҳисобга олмаганда, тарихий ҳақиқатга мос ва катта илмий-маърифий аҳамиятга эгадир. Огаҳийнинг тарихий асарлари кўшни қардош халқларнинг тарихини ўрганишда ҳам мислсиз қимматли маълумотлар беради ва нодир бирламчи манба ҳисобланади.

Тарихнавис олим ўз асарларида хонликнинг иқтисодий аҳволи, қишлоқ хўжалиги ва суворилг гузимлари, алоқа ва транспорт, шаҳарсозлик ва ҳунармандчилик, илм-фан ва маданият, давлат тузилиши ва сиёсий арбоблар фаолияти, топонимика, география, этнографияси ҳақида қимматли маълумотлар берадики, бу мавзулар ҳали ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Шоир тарихий асарлар билан бир қаторда шеърӣ тарихлар ҳам ёзган, яъни классик шеърӣятнинг тарих жанрида барқали ижод қилган. Огаҳийнинг шеърӣ тарихлари хонликдаги ижтимоӣ-сиёсий, маданий воқеалар ҳақида, масжид, мадраса, йирик иншоотларнинг қурилиши ҳақида, амалдорлар, тарихий шахсларнинг вафоти ҳақида қимматли маълумотлар беради. Шоир ижодидаги тарих жанри на

³¹ Муширов. Мунис, Огаҳий ва Баёнӣнинг тарихий асарлари. Т., 1960. 25–60 бетлар.

адабиётшунослар ва на тарихчилар томонидан махсус ўрганилмаган. Бу ишга эндигина киришилди. Шоир ва таржимон Магнэзар Абдулҳақимнинг Отаҳий шеърый тарихларини ўзбек тилига таржима қилганлиги таҳсинга сазовордир.

Муस्ताқимлик тусфайли ўтмиш тарихимиз фалсафий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқилаётган ҳозирги кунда Отаҳийнинг тарихий асарлари ва шеърый тарихлари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ўтмишни баҳолашнинг энг тўғри ва ҳолисона йўли унга ҳаёт ҳақиқати, инсон ва жамият ўртасидаги боғлиқлик, уйғунлик, кинилик ҳаётининг узлуксиз тараққиёти замирида ўтган муносабатлар, қарама – қаршиликлар, манфаатлар орқали баҳо беришдир.³²

Тарих фалсафаси – бу тарихий фактлар, саналар, воқеа – ҳодисалар, шахслар ва тақдирлар замирида ётган ҳаёт ҳақиқатидир. Отаҳийнинг тарихий асарларини ўрганишнинг аҳамияти шундаки, у биринчидан, ўзликни англаш тўғрисида шакллантиради. "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади",³³ – деб таъкидлаган эди Ислам Каримов. Иккинчидан, тарихий асарларни ўрганиш орқали бугунги ҳаёт мазмуни чуқурроқ тушунилади ва келажак теран ҳамда ёрқин тасаввур қилинади.

Уч минг йиллик ўзбек давлатчилигининг вужудга келиши, шаклланиши ва тадрижий ривожланиш босқичларини билишда, хусусан, XIX асрнинг биринчи ярмидаги давлатчилигимиз тарихини билишда Отаҳийнинг тарихий асарлари нодир манбадир. Бу асарларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар бадиий асар сифатида ҳам ўрганишга молик. Отаҳийнинг тарихий асарлари насрдаги назмдир. Бобурнинг "Бобурнома" сига ўхшаган тарихий – бадиий асарлардир. Уни тарих нуқтаи назаридан ҳам, бадиий асар сифатида ҳам ўрганиш мумкин. Демак, Отаҳий тарихий асарларининг на шеърый тарихларининг илмий – танқидий матнини тайёрлаш ва чоп қилиш, ундаги маълумотларни тарих фанида илмий муомалага киритиш бизнинг вазифамиздир.

З.А. Илҳомов – ТДПУ

АЛИҚУЛИ АМИРЛАШҚАР ВА УНИНГ ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ (XIX АСР 60 – ЙИЛЛАРИ)

Ўзбек давлатчилиги тарихида Қўқон хонлиги ўзига хос ўринга эга давлат саналган. У Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан қисқа вақт мавжуд бўлган бўлсада, унда кечган тарихий жараёнларнинг

³² Н.Жўраев. Тарих фалсафаси. Т., 2001. 12 – бет.

³³ И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1996. 5 – бет.

муракбаблиги билан ажралиб туради. Бу жараёнлар айниқса XIX асрнинг 60 — йиллари ўзининг юқори палласига кўтарилди, айни вақтда эса хонликнинг ҳарбий аҳволи ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолган эди.

Сўнгги даврларда Қўқон хонлигини бошқарган хонлардан фақатгина Маллахон ҳарбий соҳага жиддий эътибор билан қараган эди, унга бу ишларда машҳур саркарда Алиқули Амирлашкар ҳам яқиндан кўмак берган эди.³⁴

Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хонлиги сиёсий бошқарувидаги фаолияти ва унинг ҳарбий соҳаларда олиб борган ислоҳотларига тўхталар эканмиз, шу даврда Қўқон хонлигининг умумий ҳарбий потенциали ёки имкониятлари қай даражада эканлиги ҳақида албатта, гапиришимиз лозим.

XIX аср ўрталарида хонликнинг турли ҳудудларида бунёд этилган қалъа ва шаҳарларда 50 тадан 6000 гача мунтазам қўшин ҳисобланган Қўқон лашкарлари турарди.³⁵

XIX асрнинг 50 — йиллари охири ва 60 — йиллари бошларига келиб, асосан, Маллахон даврида қуролланишга ва ҳарбий аҳволни яхшилашга эътибор кучайди. 1853 йилда Қўқонда 30 тагача, Тошкентда 20 тагача, Туркистонда 2 та, Сирдарё бўйла б жойлашган қалъаларда 1 тадан 3 тагача тўп ва замбараклар мавжуд бўлган бўлса, бу даврга келиб уларнинг сони ва сифати анча ўсди. Булар асосан Қўқондаги ва Тошкентдаги тўп қуйиш ва милятиқ ясаиш устахоналарида тайёрланар эди. Замбараклар асосан мис, темир ва чўйндан қуйилар эди. Тўп қуйиш учун мис Россия ва Шарқий Туркистондан келтириларди.³⁶

Маллахон қуролларни такомиллаштириш билан бирга ҳарбий тайёргарликка ҳам катта эътибор беради. Бундай ҳаракатлар Алиқули Амирлашкар даврида ҳам давом эттирилди. Қўқон хонлигининг ҳарбий жиҳатдан олдинги йилларга нисбатан қудратга эришуви, Россия империясидек қудратли рақиб билан тенгма — тенг курашлар олиб бориши бевосита Алиқули Амирлашкарнинг ҳарбий соҳада ҳам олиб борган фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Маллахон даврида олиб борилган ҳарбий ислоҳотларда йирик давлат амалдори сифатида Алиқули Амирлашкарнинг ҳам хизматлари катта бўлган бўлсада, Султон Саййидхон ҳукмронлиги йилларида (1863 — 1865 йй) сиёсий ҳокимиятни амалда қўлга олган Амирлашкар бу ислоҳотларни янада фаолроқ

³⁴ Фарғона тарихи 308-б.

³⁵ ЎзР МДА, 715-ф.1-р.24-й.ж. 242-в.

³⁶ ЎзР МДА, 715-ф.1-р.28-й.ж. 276-в.

олиб борди. Отлиқ ва нийёда қўшинларнинг жанг вақтидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш, ҳарбий тактика ва айниқса ҳарбий ингиломнинг мустаҳкамланганини унинг рус босқинчиларига қарши берган қақшатқич зарбаларидан ҳам сезилади.

Алиқули даврида қўйдирилган тўплар узининг сифати, турли ҳажмдаги ўқлар отишга мўлжалланган ўлчамлари билан ажралиб турган Жанг вақтларида уларни моҳирона ишлата олганлар ва шунингдек, аввалдан мавжуд бўлган «хитойча» деб аталган замбарақлардан ҳам фойдаланилган.

Алиқулининг ўзи ҳам жангларда тўп жангига раҳбарлик қилган. Бунда албатта, хонлик қўшинларининг тўпчибошиси ҳиндистонлик Жомадор ҳам катта ўрин тутган ва хонликнинг ҳарбий қудрати ошиб боришида тўпларнинг такомиллаштирилаётганлиги, бунда айниқса, Тонкентдаги тўп қўйиш корхонасининг катта аҳамият касб этаётганлиги рус манбаларида ҳам эътироф этилган.

Алиқули Амирлашкар ўз фаолияти давомида мунтазам қўшин сонини оширишга ҳаракат қилди ва 1863 – 1864 йилларга келиб, хонликда қирқ минг кишига етказилди. Бу қўшинлар барча йирик шаҳар ва қалъаларга тақсимланган эди. Амирлашкар буйруғи билан бир кундәк Қўқон ёки Хўжанда ўн – ўн икки минг кишилик қўшин йиғилиши мумкин эди.³⁷

Бу қўшинлар ҳамда ҳар бир қалъа ўз туғи ва байроғига эга бўлган. Масалан, Тўқмоқ босиб олинганда, у ердан иккита байроқ, Чимкент босиб олинганда эса, 4 байроқ, 11 туғ, ўлжа олинган ва бу ўлжалар орасида байроқлар алоҳида аҳамият касб этган.³⁸

Қўшинда унвон ва мансаблар ҳарбийларнинг кўрсатган хизматлари даражасига қараб, Амирлашкар томонидан берилган.

Кўрт мустақиллигини сақлаб қолиш учун кураш олиб борган Алиқулининг ҳалокати билан Қўқон хонлигининг ҳалокати ҳам яққолроқ кўриниб қолган эди. Шунинг учун халқ дилидагини яхши англаган ва замондош бўлган ўша давр тарихчилари Алиқули Амирлашкар фаолиятига юқори баҳо бериб, унинг тарихимизда ўтган буюк саркардалар қаторида туришини эътироф этган эдилар.

³⁷ Ҳус лашкарининг Туркистонда тарих 1269 – 1282 саналарда қилган футухотлари 59 – б.

³⁸ ҲзР МДА. 715 – ф, 1 – р, 28 – й.ж. 203 – в.

ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИ ТАРИХИДАН (Янги шаҳар қисми)

Тошкент шаҳрининг кўчалари шаҳар топографиясининг таркибий қисмини ташкил этади, уларнинг тарихини тадқиқ этиш билан шаҳар, хусусан, унинг тарихий топонимиясини ёритган бўламыз.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент Россия империяси томонидан босиб олинди ва унинг кейинги тарихи ана шу ўзгаришлар билан боғлиқ. Мазкур даврда шаҳар ҳудуди кенгайиб, унга шарқий томондан европача услубда қурилган Янги шаҳар қўшилди ва бу ерда, асосан, руслар яшарди. Янги шаҳар билан Эски шаҳар ўртасида Анҳор канали чегара саналган. Янги шаҳарнинг шарқий ҳудуди Салор каналигача етган.

Шаҳарнинг янги қисмидаги кўчалар 1870 йили ҳарбий инженер А.В.Макаров тузган лойиҳа асосида қурилган ва марказий доирадан радиус бўйлаб турли томонга йўналган эди.

Янги шаҳар кўчалари ҳақида маълумотлар ўша давр ёзма манбаларда қайд этилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Янги шаҳарда қурилиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилди, кўчалар сони тобора ортиб, уларнинг номланиши, ободонлаштирилиши ҳақида Тошкент шаҳар думаси бир қанча қарорлар чиқарди.³⁹ Кўчалар узунлиги, кенлиги, шаҳар марказига яқинлигига қараб биринчи ва иккинчи тоифа (категория)даги кўчаларга ажратилган эди. Биринчи тоифадаги кўчаларнинг тротуарларига пишиқ гишт, иккинчи тоифадагиларга эса – тош, шағал ётқазилган. Янги шаҳар кўчаларининг кенлиги 28 м.дан 53 м.гача бўлган. Шаҳарнинг барча кўчаларида икки томондаги йўлаклардан ташқари йўл бўйлаб дарахт кўчатлари экилган, ариқчалар ва оқова сувлар устидан ёғоч кўприклар қурилган бўлиб, оқова сувлар устидагилари олиб қўйилиши қулай бўлиши лозим эди. Умуман, Янги шаҳар кўчаларини ободонлаштириш, тоза сақлаш ҳақида Шаҳар бошқармаси томонидан махсус қарорлар чиқарилиб, турли қоидалар ўрнатилан ва уларни маҳаллий аҳоли бажариши шарт эди. Мазкур ҳолатни Шаҳар бошқармаси ҳодимлари назорат қилишган.⁴⁰

Шаҳар кўчаларини тартибда сақлаш, ободонлаштириш, назорат қилиш каби ишлар билан бир қаторда, уларга шаҳар маъмурияти

³⁹ Сборник постановлений Ташкентской городской думы. Ташкент, Типо – лит.В.М.Ильина. 1904

⁴⁰ Обязательное постановление для жителей г.Ташкента, изданное Ташкентской городской думой о порядке содержания улиц, домов и дворов. // «Туркестанские Ведомости». № 93. Т., 1900 г.

томонидан турли номлар ҳам берилган. Ушбу топонимлар ўша даврга оид ёзма манбаларда, жумладан, карталарда қайд этилган.⁴¹ XX аср бошларида Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида 110 дан ортиқ катта ва ўртача узунликдаги кўча бўлган, шунингдек, тор кўчалар ва берк кўчалар ҳам бор эди. Кўчалар номларини, маъносига қараб, маълум гуруҳларга ажратса бўлади. Жумладан, 1907 йили антропотопонимлар сони — 40 та, ижтимоий — хўжалик ҳаётни акс эттирувчи топонимлар — 29 та, географик номлар ва тарихий воқеалар билан боғлиқ топонимлар — 22 та, табиат билан боғлиқ топонимлар — 4 та, этнотопонимлар — 2 та, рақамлар ифодаланган кўчалар — 12 та бўлган. Қуйида мазкур кўчалардан бир нечта синиг этимологиясига тўхталиб ўтамиз.

Куропаткин кўчаси (проспект Куропаткина) — ҳозирги Шаҳрисабз кўчаси. Мазкур кўча XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Янги шаҳар қисмини кенгайтириш жараёнида вужудга келган. Дастлаб уни «Кокандский проспект» деб аташган. XX аср бошларида эса кўчага Туркистон ўлкасининг генерал — губернатори А.Н.Куропаткиннинг номи берилган.

Алексей Николаевич Куропаткин (1848—1925 йй.) — рус генерали. Павлов ҳарбий мактаби ва Генштаб академиясини битирган. Ўзининг ҳарбий фаолияти давомида Жазоир, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёда хизмат қилган.⁴² Ўрта Осиёни забт этишда Скобелев М.Д. бошчилигидаги ҳарбий кучлар таркибида қатнашган. 1916 й. ибдан 1917 й. февралгача, император Николай II нинг ҳукмронлик йилларида, Туркистон генерал — губернатори бўлган. 1917 йилдан Псков губерниясида яшаб, ўқитувчилик қилган.

XIX аср охири — XX аср бошларида Куропаткин кўчаси Янги шаҳарнинг асосий кўчаларидан бири ҳисобланган (биринчи тоифадаги кўчалардан саналган). Унда Вилоят Штабининг Архиви (Архив Областного Штаба)нинг биноси жойлашганлиги маълум.

Жиззах кўчаси (Джиззакская улица) — ҳозирги Бухоро кўчаси. Ушбу кўча Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида XIX асрнинг 70 йилларида қурилган бўлиб, биринчи тоифадаги кўча ҳисобланган. Унинг номи Жиззах шаҳри билан боғлиқ. Маълумки, Тошкентнинг Янги шаҳар қисми қурилаётган дастлабки йилларда Россия империяси Ўрта Осиё ҳудудларини эгаллаш мақсадида жанглар олиб борган. Шу ерларда кечган жанговар ҳаракатларни хотирлаш учун рус маъмурияти Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида вужудга келаётган кўчаларга мазкур ҳудудларнинг номини берган. Жиззах

⁴¹ План города Ташкента 1890 года.

⁴² Энциклопедический словарь, под ред. проф. И.В. Андреевского. Издатель: Ф.А. Брокгауз, И.А. Ефрон. Т. 33, с. 94. С. — Петербург, 1896.

кўчасининг номи ҳам 1866 йили 12–19 январь кунлари Жиззахда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар шарафига қўйилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах кўчаси бўйлаб шаҳар марказидан Воскресение бозорига чиқиш мумкин бўлган. Мазкур кўчада «Зингер» компанияси идораси, «Колизей» театри биноси, «Националь» меҳмонхонаси, Московский проспект кўчаси билан туташган ерда Ўқитувчилар семинарияси (Учительская семинария) биноси жойлашганлиги маълум.

Госпитальная кўчаси (улица Госпитальная) – ҳозирги Кафанов кўчаси. Мазкур кўча XIX асрнинг охириларида вужудга келиб, Янги шаҳарнинг жанубий қисмида жойлашган, марказдан узоқроқда бўлганлиги учун иккинчи тоифали кўча ҳисобланган. Мазкур даврда шаҳарнинг жанубиқшарқий чегараси ортида, Салор каналининг чап қирғоғида ҳарбий госпиталь жойлашган бўлиб, ушбу кўча уни шаҳар маркази билан боғловчи йўл ҳисобланган. Шу туфайли мазкур кўчани «Госпитальная» деб аташган. Госпитальная кўчаси Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги дастлабки кўчаларидан бири эди, унда диний муассасалар – Меҳрибонлик уйи (Богодельня) ва Госпиталь черкови (Госпитальная церковь) бинолари жойлашган.

Юқорида келтирилган таҳлидан хулоса қилиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентнинг Янги шаҳар қисми ҳудудидаги кўчалар маълум лойиҳа, режалар асосида барпо этилган.

Ф.Б. Очиддиев – ўқ., ЎзМУ

XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУДУДИЙ ТУЗУЛИШИ

XIX аср охири–XX аср бошларида Бухоро амирлиги давлат бошқаруви тепасида амир турган. Мамлакатдаги барча давлат бошқаруви мусулмон диний ҳуқуқлари шариатга асосланган бўлган.

Маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлиги бекликларга бўлинган.

XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлигида 28 та беклик ва 10 та туман 125 та амлоқдорлик 250 мавзе 4969 та масжид 10 мингдан ортиқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларни маҳаллий беклар ва амлоқдорлар бошқарган ва ўз ўрнида амирга бўйсунганлар (1912 йилга келиб Бухоро амирлигида 26 беклик ва бекликлардан мустақил бўлган 11 амлоқдорлар мавжуд бўлган, улар амирга бўйсинган, бу даврга келиб Шугнон, Рушон ва Вахон бекликлари амирлик таркибига кирмай Россия назорати остида бўлган) Амирлик

география жиҳатдан Ғарбий ва Шарқий Бухорога бўлинган аҳолиси асосан деҳқонлик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланган.

Бекликлар ҳудуди катта кичиклиги билан бир биридан фарқ қилган.

Чоржуй беклиги 83020 таноб, Кармана—29320, Вияуддин—20365, Нуроса—22830, Хатирчи 68430, Китоб—78988, Шаҳрисабз—48427, Чироқчи—602—983, Яккабоғ 95864, Ғузур—31650, Бойсун—332660, Қоратегин—1429524, Денов—63815, Ҳисор—3243167, Дарвоз—1428188, Балжувон—1864614, Кулоб—760650, Қўрғонтепа—1020850, Қободиён 3080900, Шеробод—619056, Келеф—647750, Карки—892934, Буруариқ—47710, Қабоқли (ҳороқли)—100,000, Қарши—205005, Шўғнон, Рупнон Норазм бекликлари ва Мозор ва Хиргум—289—000 таноб, Хут фар (Зандони) ва Сомончи (Ромитон—198650, Ками Абў Муслим (Ваганзи)—40975, Харканруд (Ғиждувон) 84,213, Қоракўл—232050, Хайробоғ (Қора—кўнғирот)—102500, Камат (Вобкент) 58285, Пирмаст (Шофиркон)—85836, туманларидан (амлоқдорликлар) иборат бўлган. Бу туманлар Бухоро шаҳри атрофида жойлашган бўлиб, улар амир томонидан тайинланган амлоқдорлар томонидан бошқарилган. Шунингдек, Бухоро амирлиги таркибида бўлган Шеробод, Денов, Бойсун бекликлари ҳам ўз ўрнида амлоқдорликларга бўлинган.

Денов беклиги Сангардак амлоқдорлиги—685 ҳовли, (1894) Паншор, Чамбул—оҳлар—610 та, Ўрта—кўри, Юрчи—200, (Юрчи авал алоҳида беклик сифатида эътироф этилади, кейинчалик Денов беклиги таркибига кириб амлоқдорлик мақомини олади) Сина—1300, Қарлуқ—610, Постундара—335, Хадрачи—485, Дўрмон—250, Гарди Қўрғон—325 та ҳовли мавжуд бўлган.

Шеробод беклиги: Талашган—амлоқдорлиги 2809, Саид—обод—3300, Қалаймарон—2600, Ғилам боғ—300, Жарқўрғон—200, Солихобод—300та ҳовлидан иборат бўлган.

Бойсун беклиги: Бойсун—2000 та ҳовли мавжуд бўлган. Бундан ташқари бекликда Яумчи—400, Паш—Хурд—250, Дарбанд амлоқдорликлари ҳам мавжуд.

Сариосиё ва Сари—жўй амлоқдорликлари ҳам ўша даврда Ҳисор беклиги таркибида бўлиб, амирликда ўз нуфузига эга эди.

Сариосиё амлоқдорлиги Сариосиё 120 ҳовли, Чоржуан—40, Жонбахти—30, Новои—Милвод—60, Милвод—40, Саман—40, Телпак—чинор—30 ҳовлидан иборат бўлган қишлоқларни ўз ичига олган (1894 й. маълумот). Сари—жўй амлоқдорлиги, Сари—жўй—40 ҳовли, Деҳ—Қаландар—30, Тортувли—40, Фозил—Пушт—10, Ирман—25, Ирсика—10, Хасанхон—10, Тир—Гором—баланд—10.

Зарғоб – 5, Хумор – 200, Газарак – 100, Хиссорак – 15, Кунда – жувози – 20 ҳовлидан иборат бўлган қишлоқларни ўз ичига олган.

Ҳар бир беклик ўз қўриқчилари ва новкарларига эга бўлишган, Масалан: 1908 йил маълумотларига кўра (1908) Исонхожи амлоқдорлигида 195 та, Бодроқида 90 та, Дашнаводда – 11 та, Хисорда – 7 та Саросиёда – 8 та, Саржўйда 18 та навкарлари бўлган.

Маълумотларга қараганда Бухоро амирлари жанубий – шарқий вилоятларини жуда қадрлаган. У ерда доимий қўшинларининг катта қисми жойлашган эди. 1871 йилдаги маълумотларга кўра, Шерободда 300 та сарбоз Бойсулда 300 та, сарбоз Деновда 500 та сарбоз ва иккита тўд, Саросиёда 500 та сарбоздан иборат қўшин бўлган.

З.Б. Раҳмонқулова – ўқ. ЎзМУ

ХІХ АСРДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ УСМОНІЙЛАР ДАВЛАТИ БИЛАН ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ

ХІХ асрда Ўрта Осиё хонликлари нотинч даврни бошдан кечирмоқда эди. Ана шу даврда Қўқон хонлиги Усмонийлар давлати билан элчилик алоқаларини олиб борди.

Қўқон хони Саидмуҳаммад Умархон (1810–1820) ҳам Усмонийлар билан элчилик алоқаларини ўрнатиб, Истанбулга бир неча мактуб юборади. Умархон ҳар қандай сиёсий вазиятда тайёр туриш учун Усмонийларнинг маънавий кўмагини кутаётган эди. Умархон Россияга қарши биргаликда фаолият олиб боришга чақирган. Умархон Россияга қарши биргаликда фаолият олиб боришга чақирган. Усмонийлар садраъзами Умархоннинг мактубига ижобий жавоб бермаган ва Умархоннинг таклифига амалий ёрдам бера олмасликларини 1799 йилда Россия билан имзоланган шартнома билан изоҳлаган.

Амир Умархон Лутфий, Навоий, Бедил девонларидан иборат, ажойиб нақшлар билан безатилган «Муҳаббатнома» деб номланган мажмуани Усмонийлар султони Маҳмуд II га совға тариқасида юборади. Хивадан Эрон орқали Туркияга қоракўл терилари, гиламлар олиб ўтилган.⁴³

Усмонийлар давлатидан ижобий жавоб ололмаган. Бизнингча Усмонийлар давлати Қўқон хонлиги тўғрисида, жумладан Умархон тўғрисида нотўғри маълумотга эга эди. Умархон ўз даврида Ўрта Осиёдаги энг лаёқатли хонлардан бири эди. Умархон «Амир – ул –

⁴³ Маннанов Б.С. Русско-иранские торговые-экономические отношения через Туркестан (п.ч.ХІХ–шоХХ). В кн. Взаимоотношение народов Средней Азии и сопредельных стран Востока в ХVIII– начале ХХ в.-Т.: АН УзССР, 1963. С.52.

муслимнинг ишонини ва диний ҳокимиятни ҳам ўз қўлига олишга эришадди.⁴⁶

Усманийлар давлати ана шундай сиёсий инқирозни бартараф этиш учун курашаётган даврда Ўрта Осиё масаласига эътибор бермади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликлари мураккаб, потинч даврни бошдан кечирар эдилар. Бу даврга келиб, Қўқон хонлиги қудрати кучайиб бораётган эди.

Қўқон хони Муҳаммадалихон 1837 баҳориде Истанбулга элчиси Зоҳид Хўжани юбориб, Усманийлардан қўшинни тактик жиҳатдан тайерлаш учун ҳарбий мутахассис ва ҳарбий – ўқув асбоб ускуналар сўрайди.⁴⁷

Қўқон хони элчисини султон ҳузурдаги маслаҳатчилардан бири диққат билан тинглайди. Улар элчига Дашти Қишлоқ аҳолиси ва уларнинг фраолияти, Ўрта Осиёдаги сиёсий аҳволга доир турли саволларни берадилар.

Элчи Зоҳид Хўжа руслар Қўқон хонлиги четара ҳудудидан қалъа кураётганини маълум қилади. Шунингдек, элчи хонлик қўшинида пиедалар камчиликини ташкил қилиши тўғрисида ҳам маълумот беради. Элчи хонлик қўшинларини янада такомиллаштириш учун Муҳаммадалихоннинг қуйидаги илтимосларини баён қилади: «Хонимиз султонга қуйидаги илтимосларини билдиришимни буюрди: 1. — Икки пиеда, икки отлик ва икки тўпчи қўшинга таълим берувчи мутахассис, агар бунинг имкони бўлмаса, пиеда, гўлчи отлик аскарларга таълим беришга доир китоблар берилишини; 2. — хонимизнинг «хонлар хони» унвонига хитоб сифатида ва икки хонни, Бухоро ва Хива хонликларини, итоатга даъват этишингизни; 3. — хонимизнинг ўғли — валиаҳд Муҳаммадалихоннинг «ўлка хони» унвонини ган олишингизни илтимос қиладилар»⁴⁸.

Усманийлар султони Қўқон хонига қилиш элчиларга йўл ҳаражатлан учун 50000 куруш, ҳамроҳларига ҳаа 10000 куруш пўл беришга фармон беради.⁴⁹ Шунингдек, турк султони Маҳмуд II (1808 – 1839) Қўқон хони Муҳаммадалихонга қўшини хонликлар билан орадаги низоларни бартараф қилиш зарурлигини маслаҳат сифатида таъкидлаб ўтади. Муҳаммадалихоннинг ҳарбий мутахассислар тўғрисидаги илтимосига қандай жавоб берилгани тўғрисида бирон маълумот учратмадик.

Муҳаммадалихон даврида адолатли фикрлари учун қувғин қилинган давлат арбоби, тарихчи олим ва саёҳатчи Муҳаммад

⁴⁶ Сағдуллаев А. Аминов Б. Мавлонов Ҳ. Норқулов Н. Ўша асар. 217 б.

⁴⁷ Сағдуллаев А. Аминов Б. Мавлонов Ҳ. Норқулов Н. Ўша асар. 217 б.

⁴⁸ Hatto Humayun nr. 36565 A.

⁴⁹ Hatto Humayun nr. 36565 A.

Ҳакимхон Қора денгиз орқали Истанбулга боради. У Синоп, Қайсари, Ангор(Анқара), Лакатия каби шаҳарларида ҳам бўлади.⁴⁸ Муҳаммад Ҳакимхон «Мунтахаб ат-таворих» («Тарихдан сайланма китоб») асарида Усмонийлар давлати тарихи, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида муҳим маълумотларни келтириб, илғор фикр ва маданиятнинг ташвиқотчиси бўлиб танилади.⁴⁹ Шунингдек, «Мунтахаб ат-таворих» XVIII – XIX асрларда Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихига оид муҳим манба ҳисобланади.

Қўқон хони Худоёрхон 1846 йилнинг ноябрь ойида Ҳожи Рўзибек бошчилигидаги элчиларини Истанбулга юборади. Элчилар хоннинг қуйидаги номасини топширишади: «Худудимизда олтин, кумул, фируза, мис ва бошқа турли табиий бойликлар мавжуддир. Бу ишларнинг устаси бўлмагани учун сизларни безовта қилишга мажбур бўлдик. Биродарим Марҳум Муҳаммад Алихонга қилган ёрдамларингиз бизга маълумдир. Ер ости бойликларини қазиб олишимизга ёрдам берадиган уста юборишингизни илтимос қиламиз».⁵⁰

Шунингдек, бу мактубда Қўқоннинг мавқеи, географик ўрни, географияси, иқтисодиётига тўхталиб, Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият тўғрисида ҳам маълумот беради. Лекин Ўрта Осиёдаги низоларнинг бош сабабчиси ким эканлигини, ким ҳақ, ким ноҳақ эканлиги тўғрисида биронта фикр айтилмаган.

Бу даврда нафақат хонликлар ўртасида, балки, мамлакат ичкарасида амалдорлар ўртасида ҳам турли низолар авж олган эди. Қўқон хонлиги билан Россия муносабатлари анча кескинлашади ва ички низолардан фойдаланган руслар 1853 йилда Перовский бошчилигида Оқмачит қалъасига бостириб киради.⁵¹ Натижада, «Русия аскари қаҳр ва ғалаба бирла шаҳарга тўлиб кетди»⁵² Қўқонлик саркарда Ёқуббек бошчилигида қўқонликлар Оқмачитни қайтариб олиш учун икки марта катта куч билан ҳужум уюштирган бўлсада, ҳужумлари натижасиз тугади. Кейинчалик Ёқуббек Шарқий Туркистонга кетишга мажбур бўлади ва Кошғар ҳокимлигини қўлга киритади.

⁴⁸ Ҳакимхон. Хотиралар. – Т.: Фан, 1966 13.б.

⁴⁹ Хуршут Э. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. – Т.: Фан, 1987 1-б.

⁵⁰ Нати Шатаун, ил., 36565 А.

⁵¹ Халфин Н.А. Султанская Турция и английская экспансия в Средней Азии (50-80 - е гг XIX в.) //Груды САГУ. 1957 вып 16, кн 14. С.31.

⁵² Мулло Юнусхон Мунший. Амирилашкар Алимқул тарихи. Нашра тайёрловчилар: Р.Шамсутдиннов, П.Равшанов. – Т.: 1997, 27 б.

РОССИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ШАРОИТИДА ТУРКИСТОНДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

XIX асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги «улкан» ўзгаришлар ва қонли фожялар даври бўлиб қолди. Ушбу асрнинг 60–80 йиллари давомида рус қўшинлари томонидан олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида бўйсундирилган маҳаллий халқлар янги мустамлака ҳуқуқин, сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий муносабатлар тизмига тортилди. Зўрлик ва қурол йўли билан ўрнатилган мустамлака тартиблар ўлкада асрлар давомида шаклланиб келинган анъанавий бошқарув тизимларига барҳам бериб, унинг миллий асосларда ривожланиш имкониятидан маҳрум этди.

Ўрта Осиё хонликларига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатларнинг дастлабки давридаёқ, Чор Россияси эгалланган ҳудудларни бошқаришга киришди. Мана шу мақсадда 1868 йил 2 март куни Оренбург генерал – губернаторлиги таркибида Туркистон вилоятини ташкил этиш тўғрисидаги Сенатнинг фармони эълон қилинди. Туркистон вилоятининг маъмурий – ҳудудий бўлиниши соф маънода ҳарбий муаммоларни (ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш, янги ҳудудларни босиб олиш ва ҳ.к.) ечишга қаратилган бўлиб, унинг асосида ҳарбий – ҳудудий бирликлар етар эди.

Шу нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, чор Россияси Ўрта Осиёда кенг кўламадаги босқинчилик юришларини олиб бораётган даврда ҳам, эгалланган ҳудудларни бошқариш учун ҳам ўз лойиҳасига эга эмас эди. Бундай шароитда Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ташаббусини ҳарбийлар ўз зиммасига олинди. 1865 йил 6 август куни Александр П. генерал М.Г.Черняев томонидан ишлаб чиқилган «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги вақтга Низомни» тасдиқлади. Ушбу ишлаб чиқилган ва тасдиқланган қонун лойиҳаси ҳокимиятни ташкил, этиши тизми «ҳарбий халқ бошқармаси» деб аталсада, лекин амалда ҳокимият тўлалигича ҳарбийлар қўлида мужассам бўлган эди.

1866 йилга келиб ҳарбий вазир Д.А.Милютин ташаббуси билан Туркистон вилоятидаги вазиятни ўрганиб чиқиш мақсадида махсус комиссия жўнатилади. Комиссиянинг таклифи билан 1867 йил Россия империяси таркибида Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил этилди.

Чор Россияси Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида турли йилларда 10 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқди ва ҳаётга тадбиқ этди. Туркистонда империячилик бошқарувининг мустамлакачилик тамойиллари расман Туркистоннинг биринчи генерал – губернатори

Фон Кауфманнинг 1868 йил 22 январида Тошкент шаҳри аҳолиси билан бўлган учрашувда сўзлаган дастурий нутқида ўзининг яққол ифодасини топган эди. У назкур нутқида русларни Ўрта Осиё халқларининг катта оғаси деб атаб, Туркистонда рус ҳокимиятининг қатъий ва доимий ўрнатилганлигини алоҳида уқтиради.

Генерал-губернаторликни ташкил этиш билан мустамлакачи ҳукмрон доиралар ўз мавқеаларини янада мустаҳкамлаш асосида, Туркистонни Россия билан «қўшилишини» табиий жараёнга айлантиришга интилди. Шундай йўл билан улар Ўрта Осиё ҳудудида умумрус қонунчилиги ва империя тартибларини янада кенг ёйди.

Шу нарсани ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Россия подшолиги мустамлака ҳукмрон доиралари ўлка халқлари онги ва шуруридаги миллий давлатчилик туйғуларини сўндирмай туриб узоқ йиллар давомида ўз мавқеини сақлаб бўлмаслигини яхши тушуниб етишган. Бу ўринда олим Веселовскийнинг фикри диққатга сазовордир: «Биз Туркистонга маданият олиб келдик, деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осийликларга тинчлик ва осойишталик бердик деб ўзимизни овутамиз. Аммо буларда ҳам юксак бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир. Мусулмон аҳволини тушунишимиз керак. сиёсий ўлим оғир, миллий ўлим эса ундан ҳам оғирроқ. Бизнинг ҳукумронлигимизда эса улар шундай ҳолга тушдилар. Бас, шундай экан ҳукмронлигимизга қарши ғалаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўқ. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халқ оч ёки тўқангидан қатъий назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак».

Хулоса қилиб айтганда Россия империяси Ўрта Осиёда миллий давлатчиликнинг барча кўринишларини йўқ қилиш билан мустамлака бошқарув тартибларини ўрнатиш бўйича узоқ йиллар давомида «сермахсул» фаолият олиб борди.

М.М. Ҳайдаров — ЎзМУ докторанти

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАБИД ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ (1917—1941Й)

1917 йил февралда Туркистонда чоризм мустамлакачилик даври ниҳоясига етди. Туркистонни узоқ йиллар чоризм мустамлакачилик зулми остида яшаганлиги тарихимиздаги аянчли саҳифаларидан бири бўлиб қолди. Бироқ Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети чоризмдек ўлкани мустамлакада ушлаб туриш, унга хом — ашё базаси сифатида қараида давом этди. Туркистоннинг туб аҳолисига иккинчи даражали тоифадек қаралди.

1917 йил октябрда давлат тўнтариши ясаб, ҳокимиятга келган большевиклар тўруди мустамлакачиликка янгича «ранг» берди. Бу мустамлакачилик сиёсати шундай бир моҳирлик билан баландпарвоз шиорлар ва ваъдаларга буркандики, Туркистоннинг маҳаллий халқларини узоқ вақт алдаб келди.

Архив ҳужжатлари, русийзабон ва маҳаллий тарихчиларнинг асарларини ўрганиш натижасида шундай хулоса қилдикки, Туркистонда октябр тўнтариши русийзабон аҳолиси томонидан, маҳаллий аҳоли иштирокисиз амалга оширилди. Совет тарихшунослигида ёритилганидек маҳаллий аҳоли октябр тўнтаришини чексиз қувонч билан кутиб олмади. Чунки унинг ғоялари маҳаллий аҳолига бегона эди. Сабаби уларда ишчилар синфи тугал шаклланмаган эди. Октябр тўнтаришининг асосий кучи — рус темир йўлчилари ҳамда соддатлар мустамлакачилик кайфиятига берилишга улгурганди. Улар бир хил касбдаги маҳаллий ишчидан бир неча баробар ортиқ маош олишни одатий ҳолдек қабул қиларди. Чоризмнинг ҳам мақсади уларни ўлкадаги таянчга айлантириш эди. Кўчириб келтириш сиёсати тўғрисида рус деҳқонлари унумдор ерларни тортиб олиб, унинг азалий эгаларини суvsиз, тақир ерларга ҳайдаб чиқаргандилар. Ишчилар ва хизматчи, амалдорлар таркиби яхши турмуш шароитларига ўрганиб қолишган эди. Шу сабабли келгинди аҳоли 1916 йилда чоризмнинг оғир зулмига қарши кўтарилган халқ кўзғолонини бостиришда қўлланган шафқатсиз жазо чораларига қарши фикр билдирмади, аксинча уларни кўлаб қувватлади.

Ана шундай тенгсизлик, маҳаллий аҳолини эзиш руҳида тарбия топган келгинди аҳоли шўро ҳокимияти даврида ҳам мустамлакачиликни давом эттириши кутилмаган ҳолат эмасди. Октябр тўнтариши ғоялари ҳам уларнинг манфаатларига хизмат қила бошлади.

Туркистонда Шўро мустамлакачилик сиёсатини ўрнатилиши унинг дастлабки қадамлариданоқ кучга кирди. Туркистон Советларининг III съезди ташкил этган ҳукумат Туркистон ХКС таркибида бирорта маҳаллий миллат вакилларининг иштирок этмаслиги Шўро ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатини моҳиятини очиб берди. Унинг оқибатида Туркистонни бошқариш аввалгидек ёт халқлар қўлига ўтиб қолди. Маҳаллий халқлари инқилоб эълон қилган озодлик, тенглик ва биродарлик каби шиорларни шубҳа билан кутиб олди. Октябр тўнтариши олий ҳокимиятни пролетариат қўлига топширди. Маҳаллий аҳоли инқилоб ғоялари унинг амалиётига тўғри келмаслигига амин бўлишди. Мамлакатни ҳамма бурчакларидан ҳокимиятдан ва 95% аҳолининг

ҳуқуқлари поймол этилаётганлигидан норозилик овозлари эшитила бошлади.

Россияда октябр тўнтаришидан кейин бойлар, зиёлилар табақаси ишчилар ва деҳқонлар синфига яъни озчилик кўпчиликка зўрлик йўли билан бўйсиндирилган бўлса, Туркистонда 95% маҳаллий аҳоли аҳоли қолган аҳоли қатламини иродасини бажаришга мажбур қилинди.

Туркистонда Совет бошқаруви сиёсий соҳада маҳаллий аҳолини бошқарув фаолиятдан четлаштириш билан бирга давлат ишлари рус тилида олиб борила бошланди. Миллий маориф ҳам эътибордан четда қолди. Давлат таъминоти асосан рус мактабларини таъминлашга қаратилди. Маҳаллий аҳолини Шўролар ҳокимиятига нафрат билан қарашга унинг конфискация ва реквизиция қўллаши ҳам ўз улушини қўшди. Бир неча йиллардан бери ночорликда, очарчиликда кун кечириётган маҳаллий аҳолини охириги бурда нонини, мол—мулкни очиқ талончилик билан тортиб олиниши, қуролланган ишчилар ва солдатлар отрядларини қишлоқларни талаб, зўравонлик қилиши маҳаллий аҳолига Шўролар ҳокимиятини кимлар бошқаришини кўрсатди. Миллий ҳис—туйғулар, урф—одатлар оёқ ости қилинди. В.И.Ленин ва И.В.Сталин имзолаган «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси», «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига мурожаати» декларатив широк эканлиги Туркистон большевиклари сиёсатида ўз аксини топди. Асосий масала—мустамлақадаги халқларга ваъда қилинган мустақиллик, токи ажралиб чиқишгача бўлган ҳуқуқларни большевиклар бажармадилар.

Туркистонда Шўро ҳокимиятини ўрнатилишида шафқатсиз террорга кўпроқ мурожаат қилинди. Ҳар қандай диктатурада бўлганидек қонунлар инкор этилди, пролетариат диктатурасининг мустабид қоидаларига амал қилинди.

Туркистонда инсон ҳуқуқлари, қонунлар паймол этилаётганлиги ҳақидаги мулоҳазаларга Марказнинг Туркистондаги фавқулодда вакили П.А.Кобозев шундай деган эди: «Ўртоқлар юстиция ва революция бир—бирига мос тушмайдиган тушунчалардир. Юстиция—курашлар бўлмаган тинч ҳаёт нормасидир. Агар курашлар бор экан, унда ягона вазифа бор: бир синф иккинчи синф устидан албатта ғалаба қилиши шарт, бу пайтда, қачонки бурчкалардан ота бошлаганда коммунистлар комиссияси нима билан жавоб берди, улар Фавқулодда Комиссия тузиш билан жавоб берди. Бу фавқулодда Комиссия нима қилди, улар оммавий террор ўтказишди. Улар агар бизнинг йўлбошчиларимиз отилар экан бир бош учун минг бошни оламиз деб жавоб беришди» П.А.Кобозевнинг фикрини умумий мазмуни шундай бўлдики инқилоб даврида қон дарё бўлиб оқади, қонунлар тан олинмайди,

қачонки коммунизм жаннати ўрнатилар экан ўшанда тинч ҳаёт норма ва қонунлари ҳақида гап бўлиши мумкин. Бу фикр албатта маънавийликка зиддир.

Ўзбекистонда етмиш йилдан ошиқроқ вақт давомида совет давлатчилигини ўрнатишга ҳаракат қилинди. Собик Иттифоқнинг барча халқлари шу жумладан ўзбек халқи ҳам ана шу давлатни «қудратлини» мустақамлашга сафарбар этилди. Кучли марказлашган давлат аппарати Марказнинг измига бўйсиндирилган эди.

Н. Р. Нурдинова – ЎЗМУ аспиранти

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА МИЛЛИЙ ҚЎШИН ТУЗИЛАМАЛАРИ ВА БОШҚАРУВ ТАРТИБЛАРИ (1917–1924 й.й.)

Баъзи мутахассислар фикрича, инсоният тарихи урушлар тарихидир. Бугунги кунда дунёда рўй бераётган кескин воявий ва ҳарбий қарама-қаршиликлар Ўзбекистон олдида ҳам ҳар қандай ташқи агрессияга қарши тура оладиган замонавий қуролланган қўшинни ташкил этиш вазифасини қўймоқда. Шу жиҳатдан ўлкамизда миллий қўшин тузилиши, фаолияти, бошқарув тартиблари тарихига назар ташлаш ва тегишли ҳулосалар чиқариш катта амалий аҳамиятга эгадир.

Маълумки, 1917 йил декабрдан то 1918 йилнинг феврал ойигача (72 кун) Туркистон ўлкасида қўш ҳокимиятчилик мавжуд бўлиб турди. Тошкентда ҳокимиятни большевиклар ўз қўлларига олган бўлсалар, Қўқонда Туркистон мухторият ҳукумати тузилди. Гарчи Туркистон мухторияти ҳукумати ҳарбий вазири У.Хўжаев миллий қўшин тузиш йилидаги дастлабки ишларни олиб борган бўлсада, бу ишлар ниҳоятга етмай қолди. Бу ҳукумат ихтиёридаги бир-йўзи 2000 кишилиқ мунгазам қўшин кўп сонли ва яхши қуролланган Қизил Армия босқинига қарши тура олмаслиги табиий эди ва 1918 йил феврал ойида Туркистон мухторияти ҳукумати Оқил Армия томонидан ҳарбий куч ишлатиш йили билан ағдариб ташланди. Шундан сўнг Туркистон ўлкасида большевиклар ҳукуматига қарши қуролли қаршилик ҳаракати бошланди.

Турли даврларда турлича номавр билан аталиб келинаётган, турли сиесий-ҳарбий баҳо берилаётган бу ҳаракатни халқимиз ҳарбий санъати тарихида катта аҳамиятга эга қуролли ҳаракат сифатида эътироф этиш зарур. Туркибида ерли халқлар вакилларидан ташқари, рус ва бошқа европалик миллатлар вакиллари ҳам бўлган бу ҳарбий ҳаракат фаолияти ва бошқаруви

тартибларини ўлкадаги замонавий миллий қўшин тузишга илқинтилиш сифатида қарамоқ керак.

Мутахассислар фикрича [Қ.Ражабов ва бошқалар], Туркистон ўлкасидаги совет хокимиятига қарши истиқлолчилик ҳаракати бошланган Фарғона водийсидаги қўшинлар кўп ҳолларда алоҳида ҳудудда ва алоҳида режа асосида ҳаракат қиладиган, амалда ҳар бири мустақил бошбўриладиган катта — кичик ҳарбий гуруҳлардан иборат эди. Бу гуруҳлар йўлбошчилари гарчи турли сиёсий қарашларга эга бўлсаларда, уларнинг кўпчилигини Туркистоннинг мустақиллиги ғояси бирлаштириб турарди. Ўлкадаги йирик қўрбошилар гуруҳларини ва деярли ҳеч қандай ҳарбий сиёсий тажрибага эга бўлмаган, фақат ўз қишлоғи ва тумани манфаати доирасида фаолият юритувчи айрим гўр ва саводсиз «беклар»га тегишли ҳарбий гуруҳларини ягона қўмондонлик остида бирлаштирибгина мунтазам Қизил Армия қўшинига қарши самарали кураш олиб бориш мумкин эди. Буни яхши англаган баъзи қўрбошилар (Мадаминбек Шермуҳаммадбек) расман ягона истиқлолчилар қўшинини тузишиб, олий бош қўмондон — «Амир — ал — муслимин» деган жарангдор номга эга бўлсаларда, амалда нафақат бутун Туркистон ўлкаси, балки Фарғона водийсидаги большевикларга қарши курашаётган кучларни ҳам бирлаштиришга муваффақ бўла олмаганлар.

Миллий қўшинлар асосан, йирик қўрбошилар томонидан бошқарилар, улар фақат расман лашкарбоши — олий бош қўмондонга бўйсунар эди. Бундай қўрбошилар гуруҳида одатда тўқсабо, тўлчибоши, қаровулбеги, мингбоши каби йирик ҳарбий амалдорлар, юзбоши, элликбоши, ўнбоши каби кичик қўрбошилар (пансодлар) мавжуд бўлиб, бу номларнинг ўзиёқ миллий қўшинлар тузилиши ва бошқарув тартиблари тўғрида маълумот бера олади.

Миллий қўшинлар тузилиши ва бошқарувида ўрта асрларга хос бўлган, янги даврда деярли ўз аҳамиятини йўқотган тартиблар сақланиб қолганлигини ҳамда қурол — яроғларнинг етишмаслиги, замонавий ҳарбий жанг усулларига риоя қилмаслик қолларини истиқлолчилар қўшинларининг мағлубиятига сабаб бўлган омилар сифатида қараш мумкин.

Умуман олганда, Туркистон ўлкасидаги истиқлолчилик ҳаракати ва миллий қўшинлар фаолиятини ўрганиш бизга бу ҳаракатнинг бир неча йиллар давомида кўп сонли ва яхши қуролланган Қизил армия қўшинларида қарши муваффақиятли кураш олиб борганлиги сабабларини ойдинлаштиради. Гарчи тарқоқ бўлсаларда, гарчи ҳарбий тажриба ва замонавий қуроллар етишмасида, миллий қўшинларни курашга руҳлантириб турган нарса бу ўз туپроғини босқинчи қўшинлардан тозалашга бўлган интилиш, миллий давлатчилиқни тиклаш орзуси эди. Бу ҳаракат ва миллий

қўшини фаолияти масаласи эса, фақат бизнинг давримизга келибгина ўз мўносиб баҳосини олади.

А. Ғарметов – ЎЗМУ магистр

ТУРКИСТОНДА МУСТАБИД ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Ички ишлар органлари тузилиши, уларнинг фаолияти ва олиб борган ишлари тўғрисида совет даврида ёзилган бир қанча адабиётлар саҳифаларида муҳрланган Албатга, ўша давр муаллифларининг хизматларини камситмаган ҳолда, уларни тадқиқотлари мавзунини холисона очиб бермаганлигини таъкидлаш жоиз. Бу адабиётлар, ўша давр талаби асосида ёзилган бўлиб, унда тарихий жараёнлар ва воқеалар ҳукмрон коммунистик мафкура нуқтани назаридан ўрганилиб, сохталаштирилган эди.

Ишчи – деҳқон милицияси ва умуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида кўпгина номаъқбулликлар мавжуд бўлганлиги, яъни улар фаолиятидаги судсиз – сўроқсиз ишлаш ва бошқа нуқсонлар, кейинги тадқиқотларда юзга чиқмоқда. Бироқ, тарихнинг маълум бир даврида, кескин синфий курашлар шароитида, айнан шундай йўл тутилиши инқилобий қонуларнинг энг олий кўриниши сифатида намоён бўлган.

В.И. Ленин аксилнқилобчиларга қарши давқулодда комиссия аъзоларига ўғит берар экан: “Ишчи ва деҳқонлар ҳайрихоҳлигида тез ва қақшатқич қатагонларсиз курашиб бўлмайди ва бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас”, – деб таъкидлаган эди.

Шунингдек, “доҳий” РСДРП(б) нинг VIII съездида ўзини фикрини янада очиқроқ баён қилиб, жамладан шундай дейди: “Инқилобий диктатура ва зўравонлик бағоят ажойиб нарса, бунда унинг ҳақон ва кимга қўланиши муҳим³¹”.

Ушбу сатрлардан кўришиб турибдики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мустабид давлатни ўрнатинида террорчиликка йўл қуйганлар. Умуман олганда, тарихий маълумотлар собиқ СССРдаги оммавий қатагонларни, инсон ҳуқуқларини поймол қилувчи ҳибсларни совет тузумининг ибтидоидан бошланганлигини кўрсатади.

РСФСРнинг Туркистон АССР ишчи – деҳқон милицияси учун 1919 йил 13 сентябрда чиқарган Низомида (Положение)да кўрсатилишича, “Совет милицияси ишчи ва деҳқонларни ҳимоя

³¹ Аринов Р., Мильштейн Н. Из истории органов Госбезопасности Узбекистана. (1917-1930) Т. «Узбекистан», 1967 стр. 14-16.

қилиб, асосий вазифаси эса инқилобий тартибни ҳимоя қилишдан иборат, шу билан бирга уларнинг вазифаларига юқоридан чиқарилган декрет қонунларини ҳимоя қилиш ва рўзгор молларини назорат қилиш"⁵⁴ ҳам кирган.

Бундан кўриниб турибдики, уларнинг асосий вазифаси ишчи ва деҳқонларни ҳимоя қилиш бўлган, ваҳоланки, жамиятда зиёдилар ва бошқа аҳоли қатламлари мавжуд эдики, уларни ҳимояси тилга ҳам олинмаган.

"Туркистонда Совет Давлат аппаратининг идизларини кучайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида, бу ерга бир неча мартаба коммунистик партияга содиқ бўлган кишилар марказдан юборилган бўлиб, 1920 йил май ойидан 1921 йил октябр ойигача 1158 та коммунистлар, 1921 йил сентябрдан 1923 йил октябргача Ўрға Осиёга 700 дан ортиқ партия аъзолари юборилган".⁵⁵

Бу сатистиканинг диққатга сазоварлиги шундаки, совет тузуми ҳимоячиларининг аксарияти "тартибни ҳимоя қилиш орган"ларига жойлаштирилган эди. Бундан кўриниб турибдики, ишчи—деҳқон милициясининг ҳам асосий бошқарув органларини партияга содиқ бўлган кишилар бошқарган бўлиб, улар марказдан чиқарилган декрет қонунларидан тортиб, бошқа берилган кўрсатмаларнинг ҳаммасини халқнинг ҳохиш—иродасини инobatта олмай бажартирганлар.

1922 йил 11—18 июн кунлари мобайнида уезд, область ва шаҳар милиция бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтган I—Бутун Туркистон съездида, "Туркистон АССРда милиция фаолиятини янада кучайтириш мақсадида, жойларда уларга етарли шароит яратиб бериш, улар бевосита марказнинг қўли остида иш юритинлари зарур ва энг аввало милиционерлар ичида қонунбузарлик ва ишдан қочиш кетиш фактлари юзага чиққанлиги сабабли, милиция хизматида коммунистлар ва сиёсий ишчилар сонини тез орада кўпайтириш режаларини амалга ошириш зарур"⁵⁶ дейилган.

Бундан кўриниб турибдики, оддин милиция хизматида бўлган кишиларнинг кўпчилиги ўз ишидан, умуман милиция фаолиятдан норози бўлиб, ишларини ташлаганлар, айримлари эса уларга қарши қурол ҳам кўтарганлар.

Шундайлардан. Туркистонда Совет ҳокимиятига қарши куролли ҳаракатнинг йирик намоёндалари бўлган Қўрбоши Мадаминбек ва Катта Эрганларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Қўрбоши Мадаминбек Марғилон милициясининг бошлиғи лавозимида 1918 йил январ ойининг охиригача ишлайди. Совет

⁵⁴ Положение о Советской Рабоче-деканской милиции Туркестанской Республики Российской Советской Федерации. 1919 г. 13 сентября.

⁵⁵ Назаров С. Из истории деятельности Средазбирго ЦК РКП (б) (1922-1924 гг.) «Узбекистан». Т. 1965 г. стр. 44

⁵⁶ Материалы I-го Все Туркестанского объединенного съезда состоявшегося 11-18 июня 1922 года. «По вопросу милиции». Стр. 20-23

ҳокимиятига нисбатан иллончини йўқотган Мадаминбек, 1918 йилнинг баҳоридан истиқлолчилар сафига қўшилиб кетади.³⁷

Катта Эргаш эса, Қўғон милициясида фаолият кўрсатади. У Қўқондаги энг машҳур муаллимлардан бири бўлганлиги бизга маълум. Катта Эргаш чор Россиясининг Туркистонга қилган босқинчилигини кечира олмайди, шу сабабдан ҳам истиқлолчилик ҳаракати томонига ўтиб, жанг қилади ва ўша жангларнинг бирида ҳалок бўлади.

Туркистонда маҳаллий халқлар ҳаётига бегона бўлган пролетариат диктатураси ҳригади. Бу албатта эрксевар туб аҳолининг норозилигига сабаб бўлар эди. Ана шундай шароитда мустабид давлатнинг асосий таянчларидан бири вазифасини ишчи – дехқон милицияси ўтаган эди. Ушбу танкилот ўз фаолияти давомида ижобий фаолият кўрсатиш баробарида инқилобий ғояларнинг, турли хил «изм»ларнинг ички қонуниятларидан келиб чиқиб, мустабид тузумнинг барқарор бўлишида хизмат қилди.

*Х. Азимов — Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият
қурилиши академияси*

МИЛЛИЙ – ҲАРБИЙ МАТБУОТ ВА УНИНГ ЖАНГЧИЛАР ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Маълумки, 1941 — 1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистонликлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ўша давр воқеаларини ўрганишда фронтларда ўзбек тилида нашр этилган газеталар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, 1942 йилнинг 2—ярмидан фронт газеталари миллий тилларда нашр этила бошлаган эди. Уларнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, улар қуйидаги номларда нашр этилган.

1. «Душманга қарши ола» газетаси 1942 йил июндан аввал Калинин, 1943 йил 23 декабрдан эса, 1 — Болтиқбўйи фронтда нашр этилди. Н.С.Кассин ва М.М.Рамзинлар бош редактор сифатида фаолият кўрсатган.

2. «Ватан учун» газетаси 1945 йил 20 июндан 1946 йилнинг октябрь ойига қадар чоп этилган. Мазкур газета Болгиқбўйи ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг органи ҳисобланган.

³⁷ Ибодитов А. Курбоши Мадаминбек. Ёзувчи. Г-1993, 20-21 бетлар

3. Брянск фронтининг сиёсий органи бўлган «Душманни тор – мор этишга» газетаси 1942 йил августдан 1945 йилнинг ноябрь ойигача нашр этилди.

4. Узоқ Шарқ fronti сиёсий бошқармаси Хабаровскда 1942 йил март ойидан 1944 йил май ойи охиригача ҳафтасига 2 марта «Бонг» газетаси нашр этилди.

5. Дон frontiда 1942 йил октябрдан 1947 йилнинг майига қадар «Қизил Армия» газетаси чиқа бошлади. Дастлаб Н.С.Потапов, кейин Йўлчи Билалов редакторлик қилишган. Ушбу нашрда Илём Муслим ва бошқа ижодкорлар фаолият кўрсатадилар.

6. 1942 йил октябрдан «Сталин байроғи» газетаси чоп этила бошлаган. Газета 1946 йилнинг март ойига қадар нашр қилинган. Дастлаб Жануб, кейинчалик Сталинград ва 4 – Украина фронтларининг сиёсий органи бўлган. Унда С.Жуков, Сидиқжон Солиев ва бошқалар фаолият кўрсатган.

7. Шимолий ҳарбий ва 3 – Болтиқбўйи фронтининг органи сифатида нашр этилган. «Ватан учун» газетаси 1942 йил 29 октябрдан 1947 йилнинг июлига қадар нашр этилган. Унда А.Авазмуратов ва бошқалар ишлаган.

8. 1942 йил 1 ноябрдан Ғарбий фронтда «Қизил аскар ҳақиқати» газетаси нашр этилди. Унинг муҳаррири сифатида Т.В.Миронов, Я.Фоменколар, редактор ўринбосари бўлиб эса, Иброҳим Раҳим, 1945 йилнинг июлигача, яъни газетанинг охиригача сони чиққунга қадар Адҳам Раҳматлар ишлаган.

9. 1942 йил 28 ноябрдан Воронеж frontiда «Ватан шарафи учун» газетаси чоп этилган. А.И.Троскунов ва бошқалар ушбу нашрнинг масъул редакторлари, майор Рустам Абдураҳмонов ва бошқалар редактор ўринбосари бўлишган. Газета 1945 йилнинг декабрига қадар чоп этилган.

10. «Совет жангчиси» газетаси 1942 йил 25 декабрдан Жанубий – ҳарбий фронтининг органи сифатида чиқа бошлайди. Газета 1946 йилнинг 14 августигача нашр қилинади. Унда Назир Сафаров ва бошқалар ишлаган.

11. «Ғалаба учун» нашри Жануби – ғарбий фронтнинг 90 – алоҳида Ўқчи бригадасининг сиёсий органи бўлган. Газета 1942 – 1943 йиллар мобайнида чоп этилган.

12. «Суворовчи» газетаси 1943 йил 13 ноябрдан чоп этила бошлаган. Ушбу нашр 2 – Болтиқбўйи фронтининг органи бўлган. Унинг редактори бўлиб А.М.Воловец ўринбосари эса, А.Саитов ва бошқалар ишлаган.

13. «Красный боец» армия газетаси таркибида «Суворов натиски» нашри 1943 йилдан 1945 йилнинг август ойигача нашр этилади. Газета дастлаб Калинин, сўнгра Дашт ва 2 – Украина

фронтларининг сиёсий нашри бўлган. Газета редакциясида Т.Эрназаров ва бошқалар, фаолият кўрсатадилар.

14. «Фронт ҳақиқати» нашри 1944 йил апрел ойидан 1945 йил –нинг 1-июлигача 2-Белоруссия fronti сиёсий бошқармасининг органи ҳисобланган. Унда Н.Эгамназаров ва бошқалар фаолият кўрсатган.

15. «Фронт ҳақиқати» газетаси 1945 йил 5 июлдан бошлаб «Ғалаба баирони» номи билан совет кўшинларининг Шимолий группаси сиёсий бошқармасининг газетаси сифатида нашр этилди.

16. Жануби – ғарбий фронтнинг 3-зарбдор армияси учун «Ҳарбий ўрток» газетаси нашр этилган.

17. 8-гвардиячи Панфилов дивизиясида «Ватан учун» газетаси нашр қилинган. Мазкур газета 3 тилда: ўзбек, қozoқ, татар тилларида чиққан.

Ҳарбий матбуотнинг моҳиятини очишда ҳарбийлар ҳаётини атрофлича ёритишда фронт мухбирлари муҳим роль ўйнашган. Шундай фидоилардан бири Назармат Эгамназаров бўлиб, у «Фронт ҳақиқати» газетасида фаолият олиб борган. Жангда курсатган жасорати учун мухбир, гвардиячи лейтенант Назармат Эгамназаров «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди. Шунингдек, бир қатор миллий фронт газеталари юксак даражада фаолият кўрсатгани учун тақдирланган. Жумладан, «Фронт ҳақиқати» нашри 1945 йил 4 июнда «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди. Уруш йилларида 200 га яқин Ўзбекистонлик жангчи – шоир ва ҳарбий мухбирлар ғалаба учун фаол катнашдилар. Фронтларда чоп этилган миллий газеталар жангчиларимиз руҳиятини кўтаришда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Уларни фашизмга қарши мардонавор кўрашига даъват этган.

Фронт матбуоти саҳифаларини варақлар эканмиз, ғалаба учун қанчадан – қанча қанлар тукилганлигини, қанчадан – қанча азоб – уқубат қайғу ва мусибатлар енгиб ўтилганлигини теранроқ англаймиз. Бу ҳеч қачон унутилмайдиган ва унутилиши мумкин бўлмаган тарихдир. Бу тарих нечоғли фожеали, нақадар даҳшатли бўлмасин у абадул – абад ватанпарварлик жасоратини улуғлайдиган, биродарлик ва аҳлиликни эъзозлайдиган, ҳақиқат ва адолатга ишончини мустаҳкамлайдиган тарих бўлиб қолажак.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ЮТУҒИ

1991 йил 31 август. Бу кун ўзбек халқи ва бугун Ўзбекистон аҳолиси тарихида муҳим сана ҳисобланади. Шу кунни жаҳон сиёсий харитасида янги бир мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ўзбек халқи давлатчилиги узоқ тарихга эга. Аجدодларимиз бундан 2700 – 3000 йил аввал ўзининг илк давлатига асос солган эди. Шундан буён ўтган узоқ тарихий даврда Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Давон, Паркона, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва темурийлар, Хива, Бухоро, Қўқон хонликлари каби 100 дан ортиқ давлатлар барпо этилди. Уларнинг ҳар бири давлатчилигимиз тарихида ўзига хос бир ривожланиш, такомиллашиш босқичи бўлди. Гарчи бу давлатлар подшолар, хонлар, амирлар томонидан бошқарилган бўлсада, улардаги бошқарувда коллегиалликка катта эътибор берилган. Масалан, Амир Темур давлатни 2 ҳил идора усули — даргоҳ ва девонларга бўлиб бошқарган. Бунда даргоҳ энг олий давлат идораси бўлиб, унинг тепасида Амир Темур турган. Даргоҳ тизимида олий девон бўлиб уни девонбеги (бош вазир) бошқарган ва ҳоказо.

Миллий давлатчилигимиз тарихида XVI—XX асрларда фаолият кўрсатган Хива, Бухоро ва Қўқон (1710–1876 йй) хонликлари давлатчилиги ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Сўнг 1924 йилда мустабид советлар тузуми даврида Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Бироқ бу давлат шакли марказий ҳукуматнинг тўлиқ андозаси бўлиб, унда мустақиллик, яъни амалда миллий давлатчилик йўқ эди. Ички ва ташқи сиёсатда Ўзбекистон ССРнинг "оёқ–қўли боғланган, овози бўйилган" эди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, ўзбек халқи доимо ўз давлатчилиги анъаналарига содиқ бўлиб келган. Ҳар қандай оғир шароитларда ҳам уни тиклаган, авайлаган, асраган. Ўз мустақил давлати бўлиши учун бир дақиқа ҳам курашдан тўхтамаган. XX асрнинг сўнги 10 йиллигида мустақил Ўзбекистон давлатининг яна дунёга ўз бўйи — бастини кўрсатиш фикримиз исботидир.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон давлати халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъектидир. У тенглар ичиде тенг бўлиб, жаҳонда ўз ўрни ва мавқеёига эга. Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ...» номли китобида кўрсатилишича бугун жаҳонда 1600 та полуэтник ва моноэтник миллатлар бор. Уларнинг атиги 240 таси ўз миллий

мустақил давлатига эга. Шуларнинг ичида ўзбек миллати ва унинг мустақил давлати ҳам борлиги биз учун катта фахр ва ғурурдир.

Ўзбекистон Республикаси кичик давлат эмас. Бизнинг тахминларимизга кўра у бугун жаҳондаги мавжуд 240 та давлат орасида ўз ҳудуди бўйича 51 ўринда, аҳолиси сони бўйича 32 ўринда турган иқтисодий салоҳияти — яъни бой имкониятлари бўйича дунёдаги энг илғор 20 та давлат қаторига киради. Агар бу рақамларни Ўзбекистон Республикаси бевосита манъуб бўлган Осиё қитъаси ва МДҲ доирасида олиб қарайдиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларни кўрамиз. Ўзбекистон Осиёда аҳоли сони ва ҳудуди бўйича тахминан 51 та давлат орасида 14 ўринда, иқтисодий салоҳияти бўйича Хитой, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар билан биргаликда биринчи ўликка киради. МДҲ доирасида 12 та давлат орасида аҳолиси сони ва иқтисодий салоҳияти бўйича Россия Федерацияси ва Украинадан сўнг 3 ўринда, ҳудуди бўйича эса Россия, Қозоғистон, Украина ва Туркменистондан сўнг 5 ўринда туради.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси салоҳияти қудратли, иқтисодий имкониятлари кенг давлат. Бу ҳол, Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ, келажаги буюк эканлигига шубҳа қолдирмайди. Шунинг учун ҳам АҚШ, Япония каби дунёда энг ривожланган давлатлар Ўзбекистонни ўзининг стратегик ҳамкори деб эълон қилиши бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, Европа, Америка, Осиё, Африка қитъаларидаги давлатлар билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида алоқаларни ривожлантиришда ҳам ўзига хос бир боғловчилик ролини ўйнайди.

Юқордагилардан хулоса шуки, мустақил Ўзбекистон халқи бугун ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун барча имкониятларга эга. Ҳа, мустақиллик буюк неъмат, уни авайлаш, эсраш муқаддас бурч, мевасидан баҳраманд бўлиш эса ғурур. Айнан, мустақиллик тугайли Ўзбекистон дунёга буй чўзмоқда, ўз тақдирини ўзи белгилаб озода ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидан дадил олға бормоқда.

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЮКСАЛИШИДА АГРОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МУҲИМ РОЛИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Мустақиллик йилларида Агросаноат соҳасини ривожлантириш ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётини кўтариш борасида муҳим тадбирий чоралар кўрилди, ҳамда амалга оширилди. Юртбошимиз ушбу тармоқни замонавий техника — технологиялар асосида қайта қуриш ва такомиллаштириш шу билан бирга жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда янги давлатчилигимизнинг дастлабки йиллариданоқ алоҳида эътибор бериб, унинг тараққиёт тамойилларини белгилаб, кўрсатиб бердилар.

Президентимиз 1992 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида «Бир холни чуқур англашимиз керак: четта бу қадар кўп пахта сотиш республикамызда тўқимачилик ва енгил саноат ривожига кўзланган даражага етгунча давом этиши мумкин... бунинг учун биз, даставвал қимматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожлантиришимиз, чет эллик шерикларимиз билан замонавий, ихчам корхоналар ташкил қилиб, уларни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига авваломбор қишлоқ жойларига яқинроқ жойлаштиришимиз керак, бу корхоналарнинг барчаси одатдагидек илгор технология билан жиҳозланиши, рақобатта бардошли маҳсулот ишлаб чиқариши даркор. Республикамызнинг ўзидагина эмас, жаҳон бозори талабларига дош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш асосий вазифамиз бўлиши зарур»⁵⁸ — деган фикрлари бугунги кунда барча агросаноат корхоналарида ўз аксини тўла топмоқда.

Бугунги кунда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизими 110 дан ортиқ пахта тозалаш заводи ишлаб турибди. 2000 йили хом — ашёнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Натижада 2003 йилнинг март ойига қадар истеъмолчиларга 82% биринчи навали тола етказиб берилди. Энг муҳим эътиборли томони амалдаги технология асосида 2002 йили бир тонна пахтадан 32,5% тола, 51,8 % чигит олинди.⁵⁹ Бироқ бу кўрсаткичлар ҳам охириги марра эмаслигини Агросаноат бўйича яратилаётган энг замонавий техника ва технологияларнинг иш унумдорлиги бунинг аниқ ҳисоб — китобини кўрсатиб турибди. Шу асосларга кўра ҳам мамлакатимиздаги барча

⁵⁸ Қаримов И.А. Ўзбекистон келажиги буюк давлат. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил, 27 бет.

⁵⁹ Халқ сўзи, 2003 йил март.

пахта тозалаш заводлари ҳамда тўқимачилик саноати хориж билан алоқани янада мустаҳкамлаб, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу борадаги ўзгаришларни Тошкент вилоятининг Агрисаноат комплексига кирувчи корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қорасув» пахта тозалаш заводи охиқ ҳиссадорлик жамиятида бу борада амалга ошириладиган ишлар ибратидир.

Мазкур корхона мутахассислари ўз ички имкониятларини ишга солиб бош бино ва пахта тозалаш цехини бутунлай қайта таъмирлади. Жумладан, тозалаш асбоблари тубдан иш унуми юқори бўлган замонавий агрегатлар билан алмаштирилди, шунингдек, пахта тойларини⁶⁰ тортиш учун электр тарози, техник чигитни тортиш учун автомат ўлчагич ўрнатилди. Янги технология туфайли тола салмоғи ортди, сифати яхшиланди. Кўп ишлар механизациялаштирилиши натижасида маҳсулот тан нархи сезиларли даражада пасайди. «Қорасув» пахта тозалаш заводига ўрнатилган технологиядан барча вилоятларда кенг фойдаланиш Агрисаноатчиларнинг бугунги кундаги долзарб муаммолари ҳисобланади.

Ушбу жараён қўшма корхоналар фаолиятида ҳам жадал давом эттирилмоқда. «Чиноз тўқимачи ЛТД» ўзбек – япон – турк қўшма корхонаси бунга ёрқин мисолдир. 2001 йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилган мазкур корхонада 2002 йили 4937 тонна ип – калава ҳамда 418 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар Испания, Италия, Англия, Туркия, Бельгия, Германия сингари хорижий давлатларга экспорт қилинди. Уларнинг умумий ҳажми эса 10 миллион АҚШ долларни ташкил қилди. «Қўшма корхонада 650 нафар йигит–қиз фидокорона меҳнат қилишлари эвазига жорий йилнинг ўтган даврида бир миллион 800 минг АҚШ долларидан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, чет элга сотилди».⁶¹ Замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланиб, юқори самарадорликка эга бўлиб, мамлакатимиз иқтисодини кўтаришга улкан ҳисса қўшаётган бундай корхоналар сони йилдан – йилга кўпайиб, ошиб бормоқда.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якуналарига бағишланган маърузасида инвестиция ва иқтисодий таркибий сиёсатни амалга ошириш ҳақида тўхталиб, «Мамлакатимизда юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда, рақобатга бардошли янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни фаол ўзлаштирилмоқда, биз учун долзарб масала бўлган

⁶⁰ Бир той пахта - 220 килограммга тенг.

⁶¹ Қишлоқ ҳаёти, 2003 йил 5 март.

аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ҳал этилмақда»,⁶² деб алоҳида таъкидлаганлари биз тилга олган юқоридаги мавзуларга айнан муҳим аҳамият касб этаётганлиги диққатга сазовордир.

Г.Ж.Туленова – ф.ф.н., доц., ТАТУ

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИККА ЭРИШИШ БОСҚИЧЛАРИ: ТАРИХИЙ НИГОҲ

Маълумки, мустақиллик Ўзбекистон Республикаси учун янги даврни – мустамлакачиликдан абадий қутулиб, озодликка чиқиш даврини бошлаб берди. Шунинг аълоҳида қайд этиш керакки, мустақилликка халқимиз куп йиллар давом этган жиддий ва машаққатли курашлар эвазига эришди. Биз бу масалага фалсафий нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, шунинг эътирофи этишимиз жоизки, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги – бу жамиятимизнинг олдинги тараққиети томонидан тайёрланган объектив ва қонуний жараёндир.

Туркистон халқлари тарихи Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида босқинчиликка ва босқинчиларга қарши олиб борилган муросасиз курашлар билан тўлиб – тошгандир. Бу ўлка бир неча бор чет эл босқинчиларининг узоқ муддатли тажовузларига дучор бўлди. Туркистон халқлари эрк, озодлик учун жон фидо қилдилар. Халқимизнинг асл фарзандлари гоҳ Спитамен ёки Муқанна, гоҳида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури ва бошқалар сиймосида Ватан, юрт озодлиги учун жон олиб – жон бердилар. Буларнинг ҳаммасига кўхна тарихимиз гувоҳдир.

Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинishi – бу ўлка тарихидаги энг қора, энг қонли саҳифадир. Мустамлакачилик оқибатида халқимиз ўзининг эрки ва озодлигидан жудо бўлди. Унинг кўрмаган жабр – жафоси, чекмаган азоб – уқубати, ғам – андухи қолмади. Абдурауф Фитрат бундан етмиш йил илгари айтганди: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, кўлимиз борланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз қасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовуз бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди...».⁶³

⁶² Президент Ислам Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасидан. «Ўзбекистон овози», 2003 йил 18 феврал

⁶³ Қаранг: Х.Болтобоев. Юрт дайғуси. «Шарқ юдузи», 1992, 4 – сон, 182 – бет.

Чор амалдорлари ва маҳаллий ҳукмдорлар томонидан қилинган адолатсизлик ва ноҳақликлар халқнинг сабр косасини тўлдирди. Ортиқча чидаб туриш мумкин бўлмаган дамлар етиб келди. Халқ вулқон сингари ҳаракатга келиб, денгиз каби тўлкинлана бошди. Жунбушга келган халқ бора – бора салтанатни йўқ қиладиган, тоғ – тахтни қулатадиган буюк кучга айлана борди.

Халқ оmmasининг озодлик, миллий мустақиллик учун кураши чор империясининг Туркистонга қилган босқинининг дастлабки кезларидаёқ бошланган эди. Миллий мустақиллик йўлида курашлар, оммавий чиқишлар, кўзғолонлар, исёнлар Туркистоннинг гоҳ у жойида, гоҳ бу жойида кетма – кет бўлиб турди. Мустақиллик ва эрк учун кураш 1868 йили Самарқандда, 1871 йили Андижонда бўлган ҳаракатлар, 1882 йили Марғилонда рўй берган воқеалар ҳам мустақиллик учун олиб борилган кураш эди. 1892 йилдаги Тошкент кўзғолони, 1893 йилда Қўқон атрофида бўлган исёнлар, тарихимизга Дукчи Эшон кўзғолони номи билан кирган 1898 йилдаги алев – далғовлар ўзининг туб моҳиятига кўра чор Россиясининг бошқа халқларни босиб олиш, қул қилиш, талаш сиёсатига қарши олиб борилган

миллий – озодлик курашлари эди.

Умуман олганда, Туркистон чор империяси таъсирига ўтгандан бошлаб то 1917 йилгача Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Етчисув вилоятларида 4922 марта ҳар хил исёнлар кўтарилди.

Жадидлар, ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар, турли миллий касаба уюшмалари, Қўқон муҳторияти ташкилотчилари олиб борган ҳаракатлар ҳам мустақиллик учун олиб борилган кураш эди.

Туркистон туркистонликларники бўлсин, Туркистон мустақил давлат бўлсин, деб миллий – озодлик ҳаракатига йўлбошчилик қилган Шермухаммадбек, Иброҳимбек, Мадаминбек ва бошқаларга совет тарихчилари томонидан босмачи, ўғри, муттаҳам деган лашнат тамғаси босилди. Уларнинг сиёсий кураш режаларида ҳам миллий мустақиллик ғояси катта ўрин олганди.

Истиқлол учун курашда Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби муътабар зотларнинг милаатимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида шаҳид кетганликларини, Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов сингари атоқли давлат арбобларимизнинг юртим ва милаатим, деб ҳаётдан бевақт кўз юмганликларини айтмасдан ўтиб бўлмайди.

Авлод – аждодларимиз томонидан олиб борилган курашлар бўлмаганда биз ҳеч қачон мустақилликка эришмасдик. Халқимизнинг энг асл фарзандлари яратиб кетган тағзамин бўлмаса, мустақиллик қасрининг тамал тоши қўйилмаганда, орзуларимиз рўёбга чиқмасди.

Халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликни таъминлашда, ўзбек халқининг қадр – қимматини ҳимоя қилишда, ўлкамиз бойликлари талон – торож қилинишига йўл қўймасликда Президентимиз Ислам Каримовнинг хизматлари буюк. Юртбошимизнинг кейинги бир юз қирқ йил давомида қарам ва муте бўлиб келган ўзбек халқини озодликка чиқариб, бошини қовуштириб, сиёсий ва иқтисодий инқироз ботқоғидан олиб чиқиш йўлидаги саъйи – ҳаракатларини бутун дунё эътироф этди.

Республика Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг якуловчи актини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилди. Мана шуларнинг ҳаммаси республика тараққиётида мазмунан янги босқич бошланганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси учун тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятлари очилди.

Президент И.Каримов айтганидек, «Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий – ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин».

Д. Хайдарова – ЎЗМУ аспиранти

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

